

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Kabar

29

(983)-son

22-iyul


www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

TATU mustaqillik йилларида



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги фармонида асосан, Тошкент электротехника алоқа институтига университет мақоми берилди ва Тошкент ахборот технологиялари университети деб номланди. Университетга ахборот технологиялари бўйича мутахассисларни тайёрлаш вазифаси юклатилди. Бугун ТАТУ замонавий кўринишдаги, юқори илмий-педагогик салоҳият, таълим коммуникацияларининг кенг турлари, халқаро алоқаларнинг ривожланган тармоғи, жамиятда мутахассислар тайёрлаш даражаси бўйича юқори мавқега эга бўлган илм даргоҳидир.

3-бет

Сўнгги янгилик!

Арасер Technology компанияси MLC NAND ва SLC технологияларига асосланган янги хотира карталари чиқарди. SD ва SDHC шаклларга эга бу карталар 256 МБдан 8 ГБгача хотирага эга бўлиб, асосан фавкулудда вазиятлар учун мўлжалланган. Улар тебраниш ва зарбаларга, +85°Сдан -20°Сгача ҳароратга чидамли. Муаллифлар ишланмадан ҳарбий мақсадлар, саноат, тиббиёт ва алоқа соҳаларида, транспорт ва навигация тизимларида фойдаланишни тавсия этишяпти.

Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

■ Ёшликнинг гўзал дамлари	2
■ Место библиотек среди других информационных систем	6
■ Мобил алоқа сўқмоқларида	11
■ Бирлашган илмий семинар	12
■ Kitob.uz ўзбек китобхоналарининг янги сайти	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Aloqa Print

• СИФАТЛИ
ТЕКОП
• ПОЛИГРАФИЯ
ИШЛА ИКОДИЙ ЁНДАШУВ

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар, отриткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар, журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Манзил: Амир Темур кўч., 1/2
Тел.: (+998 71) 236 13 34, 236 39 49
Факс: (+998 71) 233 85 56
www.aloqaprint.uz

umadan umagacha

Жорий йилнинг 15 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида “Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинликни таъминлаш бўлимида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури” ижросининг бориши тўғрисида”ги масала кўриб чиқилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган манзилли дастурнинг вилоятлардаги ижроси Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раёсати билан бирга муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида “Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзолашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур вазирликнинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси вакиллари ҳамда швейцариялик мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг бир гуруҳ малакали шифокорлари Навоий вилоятида соғломлаштириш ҳафталигини ўтказмоқда. Тадбирнинг дастлабки кунинда Навоий шаҳри ва Кармана тумани аҳолиси учун тиббий кўрик ташкил қилинди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, уларни турли таҳдидлардан асраш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда таълим масканларида АКТни кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар, интернет тармоғи билан боғлиқ долзарб муаммолар, ёшлар он-га салбий таъсир этаётган “оммавий маданият” унсурлари ва бошқа турдаги ёғ гояларга қарши курашни самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

2011 йилнинг 5-12 июл кунлари Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданияти кунлари Пекин ва Сиан шаҳарларида ўтказилди. Анжуман доирасида санъаткорларимиз ижросида миллий мусиқа ва кўшиқларимиздан иборат концерт дастурлари намойиш этилди.

Ўшликнинг гўзал дамлари

Ўки Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 27 майдаги 109-фармойиши ижроси хусусида

Биз борган чоғ талаба йигитлар алоқа линияси қудуғига қопқоқ ўрнатишгаётган экан.

— Ҳорманглар, бунёдкорлар! Бу муружаат талабаларга мой-дек ёқиб тушди:

— Бор бўлинглар, — жилма-яди улар. Юз-кўзларида ғайрат-шижоат, фахр-ифтихор акс этганича ишда давом этишадди.

— Йигитлар “Бу биз учун анчайин зерикарли. Бизга бунинг нима зарурияти бор”, дейишмадимиз?

— Йўқ, асло, — дейишди ҳамроҳларим — “Ўзбектелеком” АК Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Азизхон Абдуллажонов ҳамда Рўздатжон Назаровлар. — Бўлажак муҳандис алоқа тизимларини қанчалар мукамал билса, қурилиш ишларида бевосита иштирок этса шунча яхши, асл мутахассис бўлиб етишадди, қолаверса, улар жамоада меҳнат қилишса, ўзаро хушмуомалада бўлиш кўникмасини ҳам ҳосил қилмоқдалар. Боғламамиз ходими Абдурахмон Бобораҳимовдан анчагина ишларни, ички тартиб-қоидаларни



ўрганиб олишди. Салкам 30та алоқа қудуқларига янги қопқоқлар ўрнатиш ишларига катта ҳисса қўшган ТАТУ Фарғона филиалининг 10 нафар талаба ёшларидан хурсандмиз. Ўқиниш тугаллаб келишса, бажонидил ишга оламиз.

Ахрорбек Турғунов, Баҳодир Аҳмадалиев, Улғубек Ўринов, Фарҳоджон Абдурахмонов, қўйингки, ҳамма-ҳаммаси ёзги таътиллари са-

марали кечаётганидан мамнун. Барчаларига ойлик иш ҳақи тўланади. Соҳада ишлаб, илк марта маош олиш қувончи ҳам бўлакча бўлса керак.

— Эртага келинг, опа, — дейишди талабалар уларга омад тилаб хайрлашаётганимизда, — 27-АТС билан 24-АТС оралиғида 12 километр масофага оптик то-лалар кабел тортиш ишларига киришамиз!

Ҳа, орзу-умидлари бир жаҳон Ёшлик билан учрашув ҳамиша шундай мароқли, шундай завқли. Суҳбатлашиб, баҳслашиб яй-райсан киши. Кечагина уларни хавфсизлик техникаси бўйича синовдан ўтиб, вақтинчалик битим асосида ишга қабул қилинаётган ҳаяжонли дамларда учратганим. Икки ҳафталик меҳнат ҳам уларни анча пиштириб, улғайтириб қўйибди. Нигоҳларида ўзгача ишонч ва қатъият бор.

Зотан, ёшлик шу каби синовлари билан ҳам гўзал ва фараҳлидир.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Маърифий тадбир

“ЎИ-Қарши” филиалида давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиғига бағишланган “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни филиал директори Холмирза Курбонов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олиш борасида филиалда кўрилатган тай-ёргарлик ишлари ҳақида тўхталди.

ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси Комилжон Султонов, “ЎИ-Қарши” филиалининг мижозлар бўлими асистенти Мукаррам Аҳмедова, хазиначи Шоира Жовли-

ева, бўлим менежерлари Тўлаган Бердиев, Санжар Жабборов ва бошқалар ҳам тадбирда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, нафақат иш фаолиятларида, балки шахсий ҳаётларида рўй берган ижобий ўзгаришлар, инсон ва унинг манфаати йўлидаги хайрли ишлар ҳақида тўққинлаб гапирдилар.

Тадбир сўнгида йиғиланларга “Ўзбеккино” ижодкорлари томонидан суратга олинган “Ватан” филми намойиш этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Давра суҳбати



Кўплар почта хизматларидан яхши ният билан фойдаланишадди, аммо “шоли курмаксиз бўлмаганидек”, ғарзнийатли кимсалар ҳам йўқ эмас. Минг таассуфки, миллатлараро адоватни кўзғовчи, террорчилик, диний экстремизм, ғайриахлоқий турмуш тарзини тарғиб қилувчи адабиётлар, CD-дискларни ҳар қандай йўллар билан мамлакатимизга олиб киришга ҳаракат қилаётган кучлар почта имкониятларидан ҳам фойдаланишга уринишяпти. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ “Халқаро почта” филиали жамоаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бу каби

ноқонуний фаолиятга ўз вақтида чек қўймоқда.

Филиалда маънавият хонаси ташкил этилган, ходимлар орасида доимий равишда тушунтириш-тарғиб ишлари олиб борилади. Маълумки, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ филиалларида Истиқлолнинг 20 йиллиғи олдидан ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларни оширишга йўналтирилган давра суҳбатлари ташкиллаштириляпти. Ана шундай тадбирларнинг галдагиси “Халқаро почта” филиалида ўтказилиб, очик акциядорлик жамиятининг хавфсизлик хизмати бўлими бош-

лиги Исмаил Маликов ҳамда матбуот котиби, шоир ва журналист Абдунаби Бойқўзиевлар маъруза қилишди.

Маърузаларда халқаро терроризм, диний экстремизм, турли айирмачилик ва миссионерлик ҳаракатларининг иқтисодий-маънавий, миллий-маънавий қадриятларимизга етказиши мумкин бўлган ҳалокатли таъсири воқеалар мисолида таҳлил қилиб берилди. Шунингдек, А.Бойқўзиев Ватан, она мавзуларидаги шеърларидан ўқиб берди.

Собир АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири

TATU таржимаи ҳолидан:

1955 йил — Тошкент электротехника алоқа институти ташкил этилди.

1993 йил — Институт қошида алоқа зобитларини тайёрлаш учун махсус факултетга асос солинди.

1997 йил — Институт қошида лицей-интернат фаолият юрита бошлади.

1999 йил — Институт қошида академик лицей фаолият юрита бошлади.

2002 йил — Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан ТЭАИ Тошкент ахборот технологиялари университети (TATU) деб атала бошланди.

2005 йил — Қарши, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида TATU минтақавий филиаллари ташкил этилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мустиқиллик йилларида университетда яхши анъаналар йўлга қўйилди, университетнинг минтақавий филиаллари ташкил топди, бакалавриатура таълимнинг янги йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилди, моддий-техник базаси яхшиланди, янги ўқув бинолари қурилди. Шулар ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида университетнинг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Х.Соатов билан мухбири-миз У.Йўлдошев суҳбатлашди.

— Ҳурматли Холиқ Содиқович, TATU ва унинг филиаллари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали ёш мутахассислар, педагоглар билан таъминлаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, мустиқиллик йилларида Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Университет ва унинг филиалларини етук малакали, илмий салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш мақсадида университет ва филиалларга 16 нафар фан номзоди, 6 нафар фан доктори ва 48 нафар катта ўқитувчи ва ассистентлар ишга қабул қилинди. Бундан ташқари, илмий салоҳиятли педагог кадрлар билан таъминлаш университети ва унинг филиалларидаги ёш аспирантлар ва илмий тадқиқотчилар ҳисобига ҳам амалга оширилмоқда.

Илмий педагогик кадрларни тайёрлашда университет ва унинг филиалларидаги олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг аҳамияти юқоридир. Университетда фундамента, амалий, инновацион дастурлар доирасида ҳамда халқаро грант асо-

сида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг сони 2010 йил октябр ойи ҳолатига 34тани ва ҳажми 773,8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йил июл ҳолатига 40тани ташкил этди ва ҳажми 1,7 млрд. сўмга етказилиши режалаштирилган.

— TATU ва унинг филиаллари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу борада ўзимизнинг маҳаллий компаниялар билан бир қаторда, хо-

кафедрасида рақамли коммутация тизимлари бўйича лаборатория синфи ташкил қилинган ва S-12 рақамли жиҳози ўрнатилган.

TATU ва унинг филиаллари ўртасида масофавий таълимни амалга ошириш учун Huawei компаниясининг видеотерминал жиҳозлари ва сервер маршрутизаторлари университет ва унинг барча филиалларига ўрнатилди ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этилди. Ҳафтада 8 соатдан университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари филиал талабалари ва илмий-тадқиқотчиларига ахборот технологиялари ва дастурлаш тили бўйича машғулотлар олиб боришади.

TATU мустақиллик йилларида



рижий компаниялар ва ташкилотлар билан қандай алоқалар йўлга қўйилмоқда?

— Университетда корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда замонавий телекоммуникация қурилмалари жиҳозланган бта ўқув лабораторияси ташкил қилинган, филиаллар бўйича: Фарғона филиалида бта, Нукус филиалида 1та, Самарқанд филиалида 3та, Урганч филиалида 1та, Қарши филиалида 4та — жами 21та ўқув лабораториялари ташкил этилди. Университет ва унинг барча филиаллари Санкт-Петербург телекоммуникация давлат университети томонидан яратилган 9та фан бўйича жами 27та замонавий ўқув лаборатория мажмуаси билан жиҳозланди. Булардан ташқари, замонавий мобил алоқа тизимларини ўрганиш бўйича COSCOM (Ucell савдо белгиси), "Соларис" операцион тизимини ўрганиш бўйича Gantek (Туркия) компаниясининг, "SUN MICROSYSTEMS", Microsoft (АҚШ), Wi-Exp компанияларининг замонавий Wi-Fi маълумотларини симсиз узатиш тармоқларини тадқиқ қилиш бўйича жиҳозлар ўрнатилган. "Маълумотларни узатиш тизимлари" кафедрасида ZTE компанияси (Хитой) томонидан сервер, маршрутизатор ва 36 компютерли 3та локал тармоқли лаборатория синфи ташкил қилинган. ALCATEL фирмаси билан ҳамкорликда "Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари"

Бугунги кунда университетда етгита факултет фаолият олиб бораётган бўлса, шулардан тўрттаси айнан мустиқиллик йилларида ташкил этилган:

- Ахборот технологиялари факултети
- Телекоммуникация технологиялари факултети
- Радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш факултети
- Иқтисод ва бошқарув факултети
- Телевизион технологиялар факултети
- Махсус факултет
- Касбий таълим факултети

— Университетнинг хорижий турдош олий таълим муассасалари билан алоқаларидан қўнглингиз тўляптими?

— Бугунги кунда таълим ва илмий-тадқиқот ишлари борасида Австрия, Арманистон, Белгия, Буюк Британия, Германия, Грузия, Хиндистон, Италия, Испания, Миср, Қозғистон,



Хитой, Латвия, Малайзия, Нидерландия, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларнинг 46та университети, 8та илмий маркази, 24 ташкилот ва фирмалари билан ҳамкорликда фаолият юритилади. Профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ҳамда талабалар алмашиш, илмий стажировкалар ва малака ошириш курслари, академик материаллар ва мақолалар ал-

машиш, қўшма ўқув ҳамда илмий марказлар очиш, шунингдек, чет эл университетлари билан қўшма лойиҳалар ва тадқиқотларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш бўйича 50дан ортиқ шартномалар, келишувлар ва меморандумлар имзоланган.

Ҳозирда университетда Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази, Ўзбек-Корея ахборот уйланиш маркази, TATU-ITIRC ахборот технологиялари маркази фаолият юритмоқда.

Университет чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича турли дастурлар ва жамғармаларда ҳам фаол иштирок этади. Европа Уюшмаси TEMPUS-TACIS дастури бўйича, Германия техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) ва Корея илмий-тадқиқотчилик институтлари лойиҳалари ба- жарилди. Буюк Британия, Испания, Италия, Латвия, Грузия ва Арманистон университетлари ва илмий муассасалари билан ҳамкорликда TEMPUS дастури бўйича янги "Кутубхоначилик ва информатика бўйича янги магистрлик дастури" лойиҳаси бажарилмоқда.


— Иқтидорли талабаларга яратиб берилаётган имкониятлар нималарда кўзга ташланмоқда?

— Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими 2010-2011 ўқув йилида тасдиқланган режага асосан 2, 3 ва 4-босқич талабалари орасида махсус танлов асосида иқтидорли талабаларни танлаш, уларни иқтидорли талабалар гуруҳларига бирлаштириш, информатика, чет тили ва мутахассислик фанларидан қўшимча дарслар ташкил қилиш, илмий раҳбарларга бириктириш ва махсус стипендиялар олиш учун мақсадли тайёрлаш ишларини бажариб келмоқда.

2010-2011 ўқув йили натижалари бўйича талабаларимиздан икки нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, тўрт нафари Беруний номидаги Давлат стипендиясига, уч нафари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стипендиясига ва икки нафари Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти стипендиясига TATU Илмий кенгаши томонидан тавсия этилган.

Хитойнинг "Huawei Tech Investment Tashkent" компанияси билан ўзаро ҳамкорлик Меморандуми, TATU, "Ўзбектелеком" АК ва Хитойнинг ZTE корпорациялари ўртасида уч томонлама Меморандум, Германиянинг GTZ ташкилоти билан ҳамкорлик бўйича шартнома, АҚШнинг Бизнес ва компютер технологиялари (ASA) институти билан таълим соҳасида ҳамкорликда фаолият олиб бориш тўғрисида шартномалар имзоланди. Шу асосда АҚШнинг "National Instruments" ва Россиянинг "Inline Telecom Solutions" компаниялари билан ҳамкорлик Меморандумларини имзолаш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари ўқув жараёнига кенг татбиқ этилмоқда. Университетдаги компютерлар сони 1500 данадан ортиқни ташкил қилади. Университетнинг барча бўлимлари ва кафедралари юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган. Маъруза хоналари мултимедиа воситалар ва электрон доскалар билан жиҳозланган, махсус синфлар ташкил қилинган, ISDN канали орқали филиаллар билан виртуал масофавий таълим ва семинарлар учун видео-конференцалоқа технологиялари қўлланиляпти.



Худуди — 20,1 минг кв.км.
Аҳолиси — 2,1 млн. киши.
Таркибида 13 туман ва 1та вилоятга бўйсунувчи шаҳар бор.
Маркази — Термиз шаҳри.



Хар биримизнинг мустақиллик ҳақида ўз тафаккуримизга яраша тасаввуримиз бор. Аммо унинг энг улуг, энг азиз неъматлигини англаш бобида, шубҳасиз, яқдилмиз. У ўтган тарихан қисқа муддат мобайнида серкўёш ва мафтункор диёримизнинг бекиёс улкан имкониятлар мамлакати эканлигини бутун дунё бўйлаб кўз-кўз қила олди.

Озод Ватан оҳанглари бугун ҳар жабҳада акс-садо бермоқда. Хусусан, алоқа соҳасидаги туб ўзгаришлар Сурхон воҳаси одамларига ҳам кўтаринки кайфият бахш этмоқда.

Рақамли телефон туфайли

Сурхондарёда телефон станцияларини рақамлаштириш жараёни асосан 2007 йилдан эътиборан бошланди. Жараёнга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Қарор қабул қилингандан кейинги уч йил давомида 474 километр узунликдаги оптик толали алоқа кабеллари тор-

Озод Ватан оҳанглари

тилди. “Сурхондарё Телеком” филиалига қарашли туман телекоммуникациялар боғламаларига Хитойда ишлаб чиқарилган рақамли станциялар ўрнатилди. Агар оптик алоқа кабелли ётқизиш ишларининг бир қисми Бойсунтоғ бағрида бажарилганини инобатга олсак, ижрочиларга осон бўлмаганини ҳис қилиш қийин эмас.

Вилоятда кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари ҳамда қўшимча хизмат турларини қўпайтириш, мижозларга имтиёзлар бўйича маркетинг ишларини ривожлантириш талбирлари кенг йўлга қўйилди. Жумладан, “ЎзМобайл” филиалининг вилоят бўлими томонидан 700та CDMA-450 мобил алоқа тармоғи терминаллари ўрнатилди. Аҳолига замонавий интернет хизматини кўрсатиш мақсадида 22та ЭАТСларга ADSL концентраторлари қўйилиб, уларнинг умумий сигими 838тага етказилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларидаги аналог АТСлар сифимидаги 473та абонентларнинг асосий қисми рақамли ва CDMA-450 тармоқларига уланди.

Почта хизмати маданияти амалда

Мустақиллик йиллари “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали ходимлари фаолиятига эътибор ошди. Биринчи навбатда, улар ишлаб турган иншоотлар филиал тасарруфига олиниб, ўз вақтида замонавийлаштириш чораталбирлари кўрилди. Энди одамлар ҳар томонлама обод манзилгоҳдаги хизматдан баҳри-дили очилиб, уйга қайтишмоқда. Ҳозир ўн учта почта алоқаси тармоғининг барчаси, 200дан ортиқ почта алоқаси бўлимларининг кўпчилиги замонавийлаштирилган.

Хабарчиларнинг қўл телефони ва велосипед билан таъминлангани хизмат бурчини изчил бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоятнинг олис тоғолди қишлоқларига тезкор ва сифатли почта хизматини йўлга қўйиш мақсадида Денов ва Сарийосё туманларига қўчма почта хизмати кўрсатишга мослаштирил-

ган “Дамас” русумли автомашина берилди. Илгари почта хавфсизлиги техниги фаолият кўрсатмас эди. Ўн йил бўлдики, вилоятдаги барча почта алоқаси тармоқлари шу масъулиятли лавозим бўйича муносиб мутахассисга эга. Мустақиллик байрамининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловда Лутфулла Маҳмудов вилоятнинг энг яхши почта хавфсизлиги техниги деб топилди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан Сурхондарё филиали почта алоқаси тармоқларига корпоратив тармоқнинг кенгайтириш мақсадида 15та сервер ажратилди. Шу тариқа филиал “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ корпоратив тармоғига боғланди.

Денов ва Жарқўрғон почта алоқаси тармоқларининг ўз интернет-кафесига эга бўлганлиги ҳам истиқлол берган неъматлардан бири ҳисобланади.

“Алоқабанк” филиали ўн ёшда

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам вилоятда ОАТ “Алоқабанк”нинг филиали иш бошлади. Истиқлол берган имконият ҳудуддаги алоқа корхоналари учун қувонарли воқеа бўлди. Соҳанинг ўз молия муассаси бўлганига не етсин!

Ўтган вақт мобайнида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришда филиал ходимларининг хизмати катта бўлди. Натижада алоқа корхоналари замонавийлашиб, юқори сифатли хизмат кўрсатиш шароитларига эга бўлишди.

ОАТ “Алоқабанк” вилоят филиалининг Шеробод, Жарқўрғон, Денов ва Узун туманларида минибанклари очилган.

Аҳил жамоа спорт билан шугулланишни жон-лидан севади. Улар йилнинг биринчи ярмида минифутбол ва волейбол бўйича Тошкент шаҳри ва Бухорода бўлиб ўтган республика мусобақаларида фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Филиал раҳбари Олимжон Маматраимов мустақиллик кубоғи баҳслари натижаларига кўра, “Энг яхши дарвозабон” номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Тез орада филиал жамоаси яна бир унутилмас воқеага гувоҳ бўлишди. Улар Термиз шаҳрининг “Алпомиш” маҳаласида бунёд этилаётган замонавий янги бинода иш бошлашди.

Вилоятда:

• **Қарийб 2 минг нафар алоқа ходими меҳнат қилмоқда.**

• **Телефон станциялари сони — 123та.**

• **500 километрга яқин масофага оптик толали кабел ётқизилган.**

• **Почта алоқаси бўлимлари сони — 226та.**

• **Матбуот дўконлари сони — 103та.**

• **Мобил алоқа мижозлари 1 миллион 400 нафардан ошди.**

• **Интернетдан фойдаланувчилар — 250 минг 500 нафар.**




Хуррият нафаси

Сурхондарёда юздан ортиқ тоғолди қишлоқлари бор. Бу олис манзиллар асосан Узун, Бойсун, Сарийосё, Шеробод, Олтинсой ва Денов туманлари ҳудудига жойлашган. Мустақиллик йилларида вилоятнинг бу чекка қишлоқларига телерадиоузаткичлар ўрнатилди. Натижада маҳаллий аҳолининг радиоэшиштиришларни тинглаш ва телекўрсатувларни кўриш шароити тубдан яхшиланди.

Вилоят радиотелевидение узатиш маркази томонидан тоғолди қишлоқлари учун “Йўлдошли алоқа тизимлари орқали телерадиоэшиштиришларни ташкил қилиш” лойиҳасига мувофиқ қуввати 10 ва 100 ваттли узаткичлардан 69таси ўрнатиб берилди.

Ҳозир Хонжизза, Кенгузар, Бойвачча ва Оқмажит каби чекка қишлоқлар аҳолиси “Ўзбекистон”, “Спорт” телерадиоканаллари кўрсатув ва эшиштиришларидан баҳраманд бўлишмоқда. Улар хуррият нафасидан баҳра олиб, фаровон турмуш кечиришмоқда.


Саҳифани Нортोजи ЗИЕВ тайёради



• Термиз Давлат университетининг бош ўқув корпусида масофавий таълимни йўлга қўйиш билан боғлиқ ишлар ниҳоясига етмоқда. “ЎЗИ-Термиз” филиали ходимлари оптик толали алоқа кабелларини тортиб, ҳозир уни монтаж қилишмоқда. Масофавий таълим йўлга қўйилган, университет талабалари дунёнинг исталган мамлакати профессори билан боғланиб, илмий мулоқот олиб бориш имкониятига эга бўлишди.

• Жарқўрғон, Денов туманлари ва Термиз шаҳрида “Ягона ойна” маркази бунёд этилмоқда. Бу истиқлол иншоотлари бевосита ахборот-коммуникация технологиялари асосида бир неча хизматни марказлашган ҳолда ҳал этиш имкониятини беради. Вилоятдаги “Ягона ойна” марказлари энг улуг, энг азиз байрам арафасида фойдаланишга топширилади.

• Вилоят чегара йўл-патрул хизмати ходимлари фаолияти энди пойтахтдан туриб бошқариладиган бўлди. Вилоят ва Сарийосё туманидаги Тўпаланг йўл-патрул хизмати иншоотларига оптик толали алоқа кабеллари тортилиб, янгилик учун ўз вақтида имконият яратилиб берилди.



Худуди — 40,3 минг кв.км.
Аҳолиси — 1641,7 минг киши.
Таркибида 11та туман, 2та ша-
ҳар, 62та шаҳарча бор.
Маркази — Бухоро шаҳри.



Шукроналик

“Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникация боғламалари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Кейинги йилларда алоқа соҳасида рўй берган туб ўзгаришларда бухоролик алоқачиларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Вилоят бўйича сўз юритиладиган бўлса, туманлар марказларида рақамлаштириш даражаси 100 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзгаришлар даври

2008-2009 йилларда қишлоқ жойларида 24та рақамли АТС DTS-1100 русумли телефон станцияси, 13та СГМ-208 русумдаги рақамли автомат телефон станцияси иш бошлагани ҳам бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилишидан далолат бериб турибди.

Вилоятда DSLAM ускуналари монтаж сифими 3632та портга етказилган бўлиб, аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга сифатли алоқа хизмати кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Вилоят бўйича мустақиллик йилларида 151,6 километрдан ортиқ оптик толали кабел ётқизилди.

2011 йилнинг олти ойи давомида “Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиали “Манзилли дастури”га киритилган объектларда кейинги пайтда бажарилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Жумладан, вилоятдаги олий таълим муассасалари орасида VPN тармоғи ташкил этиш бўйича 12та объектга, яъни Бухоро Давлат университети, тиббиёт институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг Бухоро филиали сингари олий ўқув юрлари ўқув биноларида, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг маъмурий биносига, “шунингдек, Гиждувон туманидаги 573-АТСдан йўл-патрул хизмати — Сармижон масканига оптик толали алоқа кабел ётқизилди. Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиали биноси

Вилоятда:

• Икки минг икки юз нафарга яқин алоқа ходимлари меҳнат қилмоқда.

• Телефон станциялари сони — 157та.

• Почта алоқаси бўлимлари сони — 160та.

• Матбуот дўконлари сони — 89та.

• 151,6 км. масофага оптик толали кабел ётқизилган.

• Мобил алоқа фойдаланувчилари сони — 1,5 миллион нафар.

• Интернетдан фойдаланувчилар сони — 350 минг нафарга яқин.

Меҳнатим менинг — қадрим менинг

— дейди Бухоро РТУМ “Қоровулбозор” РТС 2-тоифали муҳандиси Дилшод Сатторов

— Алоқа соҳасида ишлаш иштиёқи раҳматли тоғам Раҳмат Кўчқоров билан ўтказиладиган ўзаро суҳбат ва мулоқотларда уйғонганди, — дейди у.

Эндликда Дилшод аканинг Ўткир Бозоров, Гаффор Шарипов сингари жонкуяр шогирдлари бор. Улар ўз ишларига сидқидилдан ёндашиб, зиммаларидаги маъсулятни тўлиқ англаган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Малакали мутахассис Анвар Рустамов раҳбарлигидаги беш кишидан иборат вахта аъзолари меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб иш олиб бораётганликлари боис кундалик ишда қутилган натижаларга эришиляпти. Қоровулбозор шаҳри ва ту-

ман аҳолиси ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларга радиоэшитириш ва телекўрсатувларни сифатли узатишда бу аҳил жамоанинг салмоқли ҳиссаси бўлиб, улар сафида, ҳеч шубҳасиз, Дилшод Сатторов ҳам бор.

Табиийки, мустақиллик йилларида рўй берган туб ўзгаришлар Дилшод Сатторов ва унинг ҳамкасбларини ҳам меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритишга ундади. Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидение афзалликлари яққол намоён бўлди. Хуллас, соҳани тараққий эттиришда янги уфқлар очилди. Бугунги кунда Бухоро вилоятининг Жондор, Шофиркон, Вобкент, Гиждувон, Когон,

Шофиркон туманида оддий радиотехник сифатида иш бошлаганимда айнан алоқа соҳаси бундан кейинги ҳаётимнинг мазмун-моҳиятига айланиб қолишини ҳис этиб тургандек эдим гўё. Янгилишмаган эканман. Мустақиллик йилларида рўй берган улкан ўзгаришлар барча ҳамюртларим қатори менинг ҳам ҳаётим ва иш фаолиятимга ижобий таъсир

кўрсатганини, халқимиз турмуш фаровонлиги йил сайин яхшиланиб бораётганини такрор ва такрор кўриб турибман. Туманимизнинг Денов қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi хонадонларга, ташкилот ва муассасаларга оддий электромонтёр сифатида кўрсатган хизматларим эътиборсиз қолдирилмаганининг ўзи мен учун катта бахтдир. Ҳа, оддий меҳнат кишиси юртимизда ҳамisha эъзозда.

Шогирдларим — 5-тоифали электромонтёрлар Шерали Мўминов, Илҳом Нажмиддинов ҳамда барча ёш мутахассисларга боқиб, чиндан-да фахр-ифтихор туйғуларига тўламан. Муносиб ўрин-босарларимиз борлигидан гурурланаман.

Ўғлим — Шавкат Темиров касбим давомчиси эканидан бошим осмонда. У ҳозир “NEAX-61” АТСга раҳбарлик қиляпти.

Қутлуг сана — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан барча ҳамкасб дўстларимизга ўзимнинг энг самимий тилакларимни билдираман.

Ҳамид ТЕМИРОВ,
Шофиркон туман ТБ фахрийси,
“Моҳир алоқачи” фахрий унвони соҳиб

MUSTAQILLIK TENGDOHLARI

Бахтиёр ёшларданман

Ҳали Бухоро шаҳридаги 10-умумтаълим мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ алоқа соҳасида ишлашни кўнглимга тутиб қўйган эдим. Ана шу орзу-ният мени шаҳар телекоммуникациялар боғламаси коммутатор бўлимига бошлаб келгани рост. Ҳозирги пайтда бу ерда (маълумот бериш бўлими билан бирга) 30дан ортиқ киши меҳнат қилади. Истиқлол билан тенгдош ҳамкасб дугоналаримдан бири Шаҳиноз Агамалева ҳам, мен ҳам ўз иш фаолиятимизни бошлаган дастлабки кезларданок мазкур меҳнат жамоасидаги илиқ бир муҳит ва биз ёшларга бўлган самимий муносабатни ҳис этдик. Айтмоқчиманки бу ердаги соғлом маънавий муҳитнинг ўзи бизни кўпроқ ўқиб-ўрганиш ва изланишга, ўзимиз танлаган касб — телефончиликнинг барча сир-асрорлари ва нозик томонларини мукаммал билиб олишга ундади. Катта йўриқчи, кўп йиллик иш тажрибасига эга Замира Умарова каби инсонлар эса бизга чинакамга устозлик қилишяпти.



Гулноз САЛИМОВА,
Бухоро шаҳар ТБ коммутатор бўлими телефончиси

Бухоро туманлари аҳолиси учун ана шундай беқиёс имконият мавжуд, бу туманлар аҳолиси ҳам рақамли телевидение кўрсатувларини бемалол томоша қилишлари мумкин. Тез вақт ичида қоровулбозорликлар учун ҳам ана шундай имконият яратилади. 2015 йилгача вилоятнинг энг чекка туманлари ва худудларига, жумладан, Олот, Қорақўл туманлари, Газли шаҳарчаси ва Зафаробод аҳоли яшаш масканларига ҳам рақамли телевидение кўрсатувларини узатиш режалаштирилган.

Кўп йиллик ҳалол ва самарали хизматлари учун Дилшод Сатторов Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан жорий йилда “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланди.

Саҳифани Асқар ИСТАМОВ тайёрлади

Прежде библиотеки называли по-разному: приютами мысли, аптеками для души, домами мудрости, храмами знаний, книгохранилищами, палатами и ещё как верно говорил А.И.Герцен «Библиотека это открытый стол идей, за который приглашается каждый...»

нет-клубов, интернет-центров и других интернет-структур, где уже на другом уровне предоставляются услуги по доступу в интернет, консультации, образовательные услуги и др.; платный механизм позволяет не только улучшить сам доступ в интернет за счёт привлечения коммерческих провайдеров, но и предоставить комплекс дополнительных услуг. Сразу же возникает следующее

тально продвигаются вперёд, вызывая чувство хорошей зависти у других. Это правильно. Действительно время тотальной автоматизации или пересмотра её позиций в конкретных библиотеках настало.

На сегодняшний день информационно-библиотечный центр складывается из двух составляющих: традиционной и электронной. Различие между этими двумя составляющими

«МТС-Узбекистан» провёл редизайн корпоративного сайта

«МТС-Узбекистан» сообщает об обновлении корпоративного сайта www.mts.uz, который теперь выполнен в соответствии с новым стилем международной Группы компаний МТС.

«Сегодня мы сделали очередной важный шаг в этом направлении — наш корпоративный сайт стал удобнее и информативнее. Изменения коснулись дизайна, а также структуры и функциональной составляющей веб-ресурса. Навигация стала проще. Хотя информации на главных страницах трех основных разделов стало больше, за счет новой схемы расположения элементов посетителям сайта в ней легче ориентироваться», — отметил заместитель генерального директора по коммерции компании «МТС-Узбекистан» Н.Шадманов.

Главная страница интернет-ресурса претерпела серьезные визуальные изменения: теперь на ней отображаются четыре рекламных баннера, которые знакомят абонентов с самыми актуальными предложениями компании. Кроме того, появился раздел «Часто требуется», где группируется информация, которую клиенты МТС запрашивают наиболее часто.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Коротко...

✧ Разработана самая маленькая в мире виртуальная клавиатура. Приложение под названием FlickKey выводит на дисплей шесть кнопок: на каждой в три ряда может отображаться девять букв или символов. Для ввода буквы, находящейся в центре клавиши, достаточно просто прикоснуться к ней.

✧ К 2015 году ARM-процессоры будут в каждом четвертом ноутбуке. Процессоры с архитектурой ARM, по прогнозам iSuppli, начнут завоевывать рынок ноутбуков в 2012 году.

✧ Google запускает «сокращатель ссылок» g.co — короткий и безопасный путь к своим проектам. Возможность создавать короткие ссылки с помощью g.co будет только у сотрудников Google, это защитит пользователей от злоумышленников, использующих сокращатели ссылок для переадресации на фишинговые и вредоносные ресурсы.

✧ Онлайн-шопинг становится всё более интерактивным. Британские специалисты решили дать пользователю возможность опутить материал, из которого шит предмет гардероба!

С помощью веб-сервиса Shoogles, основанного на покадровой анимации, создаётся иллюзия движения текстиля, и желающие могут растянуть, сжать, или потянуть виртуальный образец.

Место библиотек среди других информационных систем


Что же ищет человек сегодня в книге? Человек стремится познать себя, мир, в котором живёт. Философское повествование писателя близко читателю. В исканиях познаётся мир, а в мире — человек.

Библиотека реализует функцию общения между разными поколениями людей, между разными сообществами людей. Также библиотека занимает уникальное место в системе профессиональной коммуникации. С одной стороны она способна предоставлять собственную продукцию и услуги; с другой — в ответ на запросы читателей приобретать на информационном рынке готовую продукцию. Модернизацией библиотеки должны заниматься все сотрудники библиотек, другими словами, каждый человек должен стремиться к самосовершенствованию. Постановление Президента Республики Узбекистан от 23 июня 2006 года «Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики» прослужило правовой основой для модернизации традиционных библиотек в информационно-ресурсные центры и информационные центры, которые отвечают требованию времени.

В эпоху электронных коммуникаций у людей появляется множество каналов получения необходимой им информации, среди которых библиотека является лишь одним. В настоящее время должен формироваться новый подход к пониманию роли библиотеки в обществе.

Наличие информационных технологий в библиотеках позволяет последним существенно расширить сферу обслуживания пользователей и предоставить им доступ к ресурсам других библиотек, институтов, центров. При этом пользователи получают возможность работать с библиографическими данными (каталоги библиотек в интернете), реферативными и адресно-справочной информацией и полнотекстовой информацией с возможностью заказа копии первоисточников в печатном или электронном виде.

Если лет десять назад не было широкого доступа к сети интернет, то сейчас это стало возможным практически во всех крупных и малых городах Узбекистана. Появление интернета в библиотеках вызвало большой интерес и у их читателей. Конечно же введение платности слегка только решило проблему, но обозначило другой аспект за плату требуется и сервис выше, а это не всегда оказывалось осуществимо. Проблему решило появление в нашей стране интернет-кафе, интер-




предложение совместить интернет-клубы и ИБЦ.

В этом смысле уникальной идеей будет создать при каждом ИБЦ небольшое интернет-кафе работающий по низким ценам, где желающие могут поработать с высокоскоростным каталогом интернет, приобрести CD диски по компьютерной технике и если требуется пройти обучение на базе здесь же расположенного учебного центра при помощи специалистов. Это безусловно, расширило бы возможности библиотеки по обслуживанию своих пользователей.

Библиотеки вносят в интернет новые возможности, обогащают его содержательную суть. Одним из важнейших аспектов интернет для нужд библиотеки является внедрение ин-

В эпоху электронных коммуникаций у людей появляется множество каналов получения необходимой им информации, среди которых библиотека является лишь одним.

тернет технологий как элемент автоматизированных систем, построение целых блоков внутренней автоматизации с использованием интернет стандартов, рекомендаций и технологий. Но всё же главным моментом использования интернет технологий является построение библиотечных серверов на базе системы внутренней автоматизации и предоставление электронных каталогов, баз данных, справочно-фонотграфической и другой библиотечной информации в интернете. Внедрение новых информационных технологий в библиотечную среду дало толчок для автоматизирования библиотек разного уровня. Стремление ещё более усиливается от того, что многие библиотеки достигли на этом поприще весьма ощутимых и стреми-



состоит не только в способе представления информации, но и в стратегиях ее хранения, распространения и модификации. В настоящее время электронная форма позволяет хранить информацию наиболее надёжно и компактно, распространять её намного оперативнее и шире, а кроме того, предоставлять возможности манипулирования с ней, которых не могло быть при иных формах. Очевидный путь повышения эффективности использования электронной информации — создание соответствующих информационных систем, способных надёжно сохранять информацию и обеспечивать её целенаправленное использование.

Под целенаправленным использованием, прежде всего понимается:

- адекватность воспроизведения информации, не зависящая от средств реализации;
- удобные процедуры копирования и передачи информации;
- возможность проведения разнообразных и качественных информационных поисков
- наличие простых и эффективных средств навигации в доступном пользователю информационном пространстве.

В соответствии с поставленными задачами эти информационные системы представляют собой, как правило, достаточно сложные комплексы, включающие программные, аппаратные, технологические, организационные и другие составляющие.

Информатизация в последние годы стала приоритетным направлением в развитии библиотек. В настоящее время библиотеки Республики Узбекистана прошли один из самых трудных этапов информатизации — осмысление необходимости автоматизации библиотечных процессов, формирование современного мышления библиотекаря, осознание необходимости внедрять новые технологии и на их базе модернизировать всю деятельность библиотеки.

Елена УСМАНОВА,
главный библиотекарь ИБЦ
Сурхандарьинской области

Хабар + tv

ДУШАНБА — 25 ИЮЛ

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
6.00 "Шаш қутли", Т/с.
8.00 "Тақдирнома".
8.45 - 9.45 "Мамнавият" дастури.
9.45 "Икки дуг", М/с.
9.55 "Иқлим".
10.00 ТелеТеатр: "Учар табиб". 1-қисм.
10.40 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Айборт".
11.10 "Шаҳар чепдиги шифохона".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.00 "Кўнгли қўнқ истайдиган".
12.55 "Иқлим".
13.00 "Сабок", В/ф.
13.40 "Корона".
14.00 "Айборт".
14.20 "Эркин истеъдод".
14.40 "Биз қимом?"
15.00 "Иқлим".
15.05 "Олам ва одам" дастури: "Табият қушлари".
16.00 "Ватанпарвар".
16.40 "Икки дара оралиғи".
17.00 "Айборт".
17.15 "Ойда сул".
17.55 "Иқлим".
18.00 "Кўнгли қўнқ истайдиган".
"Бошлар сайераси".
18.05 "Эртақлар - яхшиликка етадилар".
18.20 "Сўнги қиролчи", Т/с.
18.55 "Ватан мангилари".
19.00 "ТВ - шифокор".
19.25 20.00, 20.55 Этнохалар.
19.30 "Айборт" /рус/.
20.10 "Отин мерос".
20.20 "Халқ қўнқ", Т/с.
20.50 "Айборт".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мушаррафлигини 20 йиллигига қадимликка қайтарилди.
22.00 "Муҳаббат таом", Т/с.
22.55 "Иқлим".
23.50 "Шаҳар чепдиги шифохона". Т/с.
23.40 - 00.00 "Корона".
00.00 Курсатувлар дастури.
00.05 "Ойда сул".
00.45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Европа табият тилими".
00.55 "Кўнгли қўнқ истайдиган".
1.00 "Айборт" /рус/.
1.35 - 2.30 "Мамнавият" дастури.
2.30 "Ватан мангилари".
2.55 "Отин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Айборт".
4.35 ТелеТеатр: "Учар табиб". 1-қисм.
5.10 "Иқлим".
5.15 "Қунарнинг бирли".
5.30 "Икки дара оралиғи".
5.50 - 5.55 "Ойда сул".



6.00 "Дастурнинг очилиши".
6.10 "Мўжизали дунё".
6.40 "Мўжизали дунё".
7.10 "13-студия".
7.40 "Ёшлик навоилар".
8.00 Миллий сериал: "Қамоннинг оиласи".
8.40 "Мушаррафлигим".
9.00 "До-ми-сол".
9.20 "Қўнқига дара".
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр қафга янги".
10.30 "Осиё", Т/с.
10.50 "Истиқлол қайтарган номлар".
11.30 "Ёшлик навоилар".
12.00 "Қиролчи", Т/с.
12.50 "Истиқлол соловмаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Сув ҳам тугайди".
13.30 "Мушаррафлигим".
14.00 "Самоний илк", Т/с.
14.40 "Автопарул".
15.00 "Доктор Қўнқ", Т/с.
15.50 "ЎзЕХ".
16.00 "Давр".
16.10 Миллий сериал: "Қадиротлар ва қўнқ".

16.50 "Афсона ва ҳақиқат".
17.15 "Тақдир қиссалари", Т/с.
18.30 "Давр манзури".
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Осиё", Т/с.
20.20 "Ёшлик навоилар".
20.40 "Биз қимом?".
21.10 "Қиролчи", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Доктор Қўнқ", Т/с.
23.00 "Ёшлик навоилар".
00.00 "Юрт тивили".
00.10 "Мўжизали дунё".
1.00 "Тақдир қиссалари", Т/с.
2.00 "Давр".
2.30 Миллий кино: "Тақдир чирқалди".
4.10 "Итҳом қилотлари".
4.50 "Афсона ва ҳақиқат".
5.40-6.00 "Ёшлик боғи".


ЎЗБЕКИСТОН

7.25 Курсатувлар тартиби.
8.30 "Салом, Тошкент".
8.30 "Тошкент тароналари".
8.45 "Ёз ифори", Т/с. 49-қисм.
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пошта".
9.40 "Истеъдод".
10.05 "Биз қимом?".
10.30 "Пошта" /рус/.
10.40 "Қўнқимамки иш", Б/ф.
11.45 Хор жамоанинг концерти.
11.55 "Тана ва эски мушкетер", Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.00 "Пошта".
15.20 "Ёз ифори", Т/с. 50-қисм.
15.45 "Чангалзорлар афсонаси-2".
М/ф.
16.30 "Тошкент тароналари".
16.45 "Митинглар оиласи".
17.10 "Этилоҳ".
17.25 "Пошта нузарлари".
17.40 "Қасбон фахрим".
18.00 "Пошта".
18.25 "Тошкентнинг илм манзиллари".
18.40 "Моҳир".
18.55 "Интеллектуал аукцион".
19.05 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
19.30 "Тошкент тароналари".
19.45 "Телекурер-маркет".
19.55 "Бизнез - пошта".
20.00 "Пошта".
20.25 "Уларни".
20.30 "Шарҳовнинг қўнқ", Т/с.
21.00 "Тошкент тароналари".
21.15 "Телекурер-маркет".
21.30 "Пошта" /рус/.
21.55 "Интервью".
22.05 Кино SMS со звездами".
22.10 "Береза молния", Х/ф. /Премьера/.
00.05 "Курсатувлар тартиби".
00.10 "Назалик", Х/ф. /Премьера/.
1.40 Панаида эски. Мелковичи. 00.10.
2.30 "Эко-пошта". /рус/.
2.40 "Открытия дара".
3.15 "Ҳайрам".
3.20 "Панет нуқсани".
3.50 "Қўнқимамки иш", Б/ф.

SPORT

6.00 "Хайри тоғи".
6.10 "Саломат бўлиш".
6.30 "Спортнинг манзиллари".
6.55 "Жасур болалар".
7.25 Болалар майдончаси.
Топти гимнастика.
"Спортландия" М/ф.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлиш".
8.50 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. "Шахтёр" - "Рома".
10.35 "Стиль бегеж". Ток - шоу.
11.21 Футбол. Жаҳон чемпионати

сарилаш уграшуни. Ўзбекистон - Қирғизистон.
13.00 Рақамлар, натоқлар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси: "Спортландия" М/ф.
13.35 Велоспорт. Тур де Франс.
14.30 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16.15 Футбол. Америка кубоги. финал.
18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 "Баркамол авлод".
19.15 Сув спорти. Жаҳон чемпионати.
20.25 Енгил атлетика. Халқаро турнир.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. "Интер" - "Брайт".
23.35 Сепайбо дастури айлени.
23.45 Формула-1. Германия гран-при. Саралиш.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. "Шальке-04" - "Валенсия".
3.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.
4.40 - 5.50 Сув спорти. Жаҳон чемпионати.



07.00, 07.40, 10.30, 13.40, 18.10, 19.30, 20.35, 22.45 Ҳақ навоилар
07.30, 18.00 Prime time (yob)
09.40 Сериал
11.30 "Бост" Х/ф
17.30 "Премьера"
18.40 Т/с "АЖРАИСАҚДА БИРГАМИЗ"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериал
22.00 "СИМОНА" Х/ф
00.10 Миксер
01.30 Т/с "ЛАС ВЕГАС"
03.00-05.00 "ВИСОҚОННИЙ ГОД" Х/ф

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 Контрольная закупка
09.00 "Жизнь здоровее"
10.00 Федеральный судья
11.20 Малый разговор
12.20 "Детектив"
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить
14.30 "Хочу жить"
15.00 Т/с "Обручальное кольцо"
15.55 "ЖКХ"
17.00 Вечерние новости
17.15 Т/с "Саяг"
17.50 "Давай похаживай"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Последняя встреча"
21.25 Т/с "Победа"
23.15 Т/с "Борьба"

РОССИЯ 1

04.00 "Утро России".
08.05 "С новым домом".
09.00 "О самом главном".
10.00, 13.00, 15.00, 19.00 Вести
10.50 "Кулинария и партнер".
12.00 Т/с "Тайны следствия".
14.05 "Ефросинья. Продолжение". Т/с
15.50 "Все к лучшему", Т/с
16.55 "Институт благородных девиц". Т/с
17.55 "Прямой эфир".
19.30 "Спокойной ночи, малыши".
20.00 Т/с "По горным следам".
23.35 Х/ф "Цветы дикихов полет"

НТВ

04.00 Информационный канал "НТВ утром".
06.30 "Кремлевские дети".
08.00, 11.00, 14.00, 17.00 Сегодня.
08.20 "Линия 90-е".
08.55 "До суда".
10.00 Суд присяжных
11.30 Т/с "Супергид".
14.30 Т/с "Возвращение Мухомора".
17.30 Т/с "Москва, три вокзала".
19.30 Т/с "Час Волкова".
21.35 Т/с "Дело Крайнова".
23.05 "В зоне особого риска".
23.20 "До суда"

РОССИЯ К

06.00 "Евроноос" на русском языке
09.25 "Птицы наших неба". Х/ф
10.45 "Возвращение".
11.30 Мировые сокровища культуры
11.45 "Линия жизни".
12.40 Великие театры мира
13.10 "Трагедия ледовика".
13.35 Михаил Козлов на телевидении.
14.05 Незабываемые голоса
15.25 "Проданный смех". Х/ф
16.30 "Остров орангутанов" Т/с
16.50 "Лукас Красный Старший".
17.00 "Мастер-класс".
17.45 Мировые сокровища культуры
18.00 Век полета. Выдающиеся судьбы
18.45 Гала-концерт
19.05 "На фоне Пушкина... 1937"
20.35 80 лет со дня рождения Феликса Соболева. "Я и другие". Д/ф
21.25 "Алжандис пастушок Никола Пруссен". Д/ф
21.55 "Владимир Высоцкий".
22.05 Новости культуры
22.55 "Вертикаль". Х/ф
00.05 Искатели. "Золото древней богини".

СТС

05.00 "Питер Пэн и пираты".
Мультсериал.
06.00 "Новости" Т/с.
06.30 Т/с "Снеговик".
07.30 "Даша, молчанка!" Т/с
08.00 Т/с "Одинка в милиции".
12.00 "Браки".
13.00 "Кастер, который женился под крышей". Мультсериал.
14.30 "Браки".
15.30 Т/с "Стойбица".
17.30 "Даша, молчанка!" Т/с
18.00 Т/с "Патриот дочки".
19.00 Т/с "Воронины".
20.00 "Амалонг" Т/с
21.00 Х/ф "Рембо-2".
23.00 Шоу "Уральских пельменей".
Лучшее.
23.50 "Как я встретил вашу маму".

ТВ3

05.00 М/ф.
05.30 Т/с "Третья планета от солнца".
06.00 "Как это сделано".
06.30 Д/ф. Не читай. Не смотри. Не хранишь.
07.00 Т/с "Затерянный мир".
08.00 Д/ф "Затерянные миры".
09.00 Х/ф "Былалари Вини Дикси".
11.00 Т/с "Говорящая с призраками".
12.00 Т/с "Мужчина во мне".
13.00 "Далеко и еще дальше".
14.00 Т/с "Затерянный мир".
16.00 Д/ф "Что ждёт вас под Землей".
16.30 Д/ф "Жизнь в космосе: люди безбрежного неба".
17.00 Т/с "Говорящая с призраками".
18.00 Т/с "Мужчина во мне".
19.00 Д/ф "Апокалипсис".
20.00 Т/с "Событие".
21.00 Х/ф "Жест Лох-Несса".
22.45 Т/с "Остатки в жизни". 28 серия.
00.00 "Покер дуэль".

СУРДУСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
7.00 "Идиш".
7.05 "Одам ва одам" дастури: "Замон тарбияботлари".
7.20 "Кўнги қўлиқ истайдиг".
7.25 "Сўнги қўлиқ". Т/с.
8.00 "Абзор".
8.40-9.05 "Манагин" дастури.
9.05 "Илос дег". М/с.
9.15 ТелеТеп: "Учар табиб". 2-қисм.
9.50 Бухоро вилоят телерадиокмпани-
яси намоиш этили.
10.10 "Муқаббат томи". Т/с.
10.55 ТВ - шифокор".
11.00 "Абзор".
11.10 "Шадр четиди шифокора". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.05 "Кўнги қўлиқ истайдиг".
13.00 "Абзор" /иниш".
13.10 "Хай қўлиқ". Т/с.
"Бошлар сайерас".
13.45 "Митингнинг саргузаштери".

14.00 "Абзор".
14.20 Ўзбекистон Республикаси
мустандигининг 20 йилгига.
"Келмакка пойёвир".
14.40 "Бин қиммат".
15.00 "Одам ва одам" дастури: "Табиат
кучери".
15.45 "Текор хабарлар".
15.55 "Ойдин хай". Ток-шоу.
16.40 "Илос дег ориниш".
17.00 "Абзор".
17.15 "Кўнги қўлиқ истайдиг".
"Бошлар сайерас".
17.35 "Эртаслар - хашинишқа етаслар".
17.55 "Идиш".
18.00 "Кўнги қўлиқ истайдиг".
18.05 "Сўнги қўлиқ". Т/с.
18.45 "Кўнги қўлиқ". Т/с.
18.55 "Навоийнинг аниш".
19.15 "Муқаббат томи".
19.20 "Салом, Тошкент".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абзор" /рус/.
20.10 "Отин мерос".
20.20 "Хай қўлиқ". Т/с.
21.00 "Абзор".
21.40 "Мен ешмаккан".
21.55 "Муқаббат томи". Т/с.
22.40 "Идиш".
22.45 "Шадр четиди шифокора". Т/с.
23.35, 23.55 "Навоийнинг аниш".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 "Ойдин хай". Ток-шоу.
00.45 "Кўнги қўлиқ истайдиг".
Табиат ҳаётлари.
1.00 "Абзор" /рус/.
1.35 - 2.35 "Манагин" дастури.
2.35 "Навоийнинг аниш".
2.55 "Отин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абзор".
4.35 ТелеТеп: "Учар табиб". 2-қисм.
5.10 "Идиш".
5.15 "Куларнинг бирли".
5.30 "Илос дег ориниш".
5.50 - 5.55 "Отин".



6.00 "Дастурнинг охири".
6.10 "Муқаббат томи".
6.40 "Тартиб".
7.20 "Рўйор махбас".
7.40 "Еллик нақилар".
8.00 "Миллий сериал: Қимматини
оёвир".
8.40 "Муқаббат томи".
8.50 "Сўнги қўлиқ".
9.20 "Шадр четиди шифокора".
9.50 "Идиш".
10.00 "Идиш".
10.10 "Келмакка етаслар".
10.30 "Ойдин хай".
11.20 "Дар мана".
11.40 "Еллик нақилар".
12.00 "Кўнги қўлиқ". Т/с.
12.50 "Идиш қўлиқ".
13.00 "Дар".
13.10 "Дар-мил-соль".
13.30 "Муқаббат томи".
13.40 "Тошкент".
14.00 "Самовий нил". Т/с.
14.40 "Қўриқалдиқ етаслар".
15.00 "Доктор Қўлиқ". Т/с.

15.50 "Идиш".
16.00 "Дар".
16.10 "Миллий сериал: Қўриқалдиқ
яна қайтди".
16.30 "Афсона ва ҳақиқат".
17.35 "Қўриқалдиқ". Т/с.
18.30 "Қўриқалдиқ". Т/с.
18.50 "Идиш".
19.00 "Дар".
19.30 "Ойдин хай". Т/с.
20.20 "Еллик нақилар".
20.40 "Бин қиммат".
21.10 "Кўнги қўлиқ". Т/с.
22.00 "Дар".
22.30 "Доктор Қўлиқ". Т/с.
23.30 "Кўнги қўлиқ". Т/с.
00.00 "Отин мерос".
00.10 "Муқаббат томи".
1.00 "Қўриқалдиқ". Т/с.
2.00 "Дар".
2.30 "Миллий кано: Қўриқалдиқ
Эллик".
4.10 "Миллий мерос".
4.40 "Хай қўлиқ".
4.50 "Афсона ва ҳақиқат".
5.40-6.00 "Хай".

СЕРИЯЛ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.10 Ток-шоу тартиби.
8.45 "Ез ифори". Т/с. 50-қисм.
9.10 "Интервал".
9.20 "Интеллектуал ақшун".
9.30 "Пойтас".
9.40 "Миллий сериал: Қайтар дун".
22-қисм.
10.05 "Бин қиммат".
10.30 "Пойтас". /рус/.
10.40 "Сезиш". Т/с. 19-қисм.
11.05 "Эко-пойтас". /рус/.
12.10 2011 йил-Қўриқалдиқ бизнес на
қўриқалдиқ тартиби: Илос
Идиш қўлиқ истайдиг".
11.35 "Бин қиммат". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дун". Телестури.
15.00 "Пойтас".
15.20 "Ез ифори". Т/с. 51-қисм.
15.45 "Наваийнинг аниш". Т/с. М/
ф. 2-қисм.
16.20 "Эко-пойтас".
16.30 "Ток-шоу тартиби".
16.45 "Қўриқалдиқ".
17.00 "Саргузаштери орин".
17.25 "Қўлиқ нима етас".
17.35 "Қўлиқ на тартиб".
18.00 "Пойтас".
18.25 "Дун".
18.40 "Қўлиқ қўлиқ".
18.55 "Интеллектуал ақшун".
19.15 "Миллий сериал: Қайтар дун".
19.30 "Ток-шоу тартиби".
19.45 "Телестури-маркет".
20.00 "Пойтас".
20.25 "Уларин".
20.30 "Шародининг қўлиқ". Т/с.
100-қисм.
21.00 "Ток-шоу тартиби".
21.15 "Телестури-маркет".
21.30 "Пойтас". /рус/.
00:30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Сешанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30, 10:00, 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35, 14:40, 15:45, 19:00 "Форум вақти"
06:45, 18:45 "Келажақ билан юзма-юз"
06:55, 11:55, 20:25 "Оналик бахти"
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30, 15:00, 20:30 "Хулуд"
07:50, 20:50 "Бизнес-репорт"
08:00 "Яхши кайфият"
08:30, 11:00, 15:20, 21:00 "Хориж хабарлари"
08:35, 11:45, 15:30, 19:15, 00:15 НТТда мусиқа
09:00, 12:00, 14:35, 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05, 21:50 "Муҳаббат изтироблари" т/с
09:45, 16:45, 19:30 "Бизнес-промо"
10:05 "Озод шоу"
11:05 "Ҳаёт қадри" т/с
12:05 "Жаннат қайдадир" б/ф
14:00 "Қопқон" кўрсатуви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:25 "НТТ спорт"
16:05, 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
17:00 "Хазина"
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Болалар худуди"
21:05 "25-кадр"
21:30 "Долзарб мавзу"
22:20 "Итирма бир" б/ф
00:15 НТТда мусиқа
00:30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Чоршанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30, 10:30, 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35, 14:40, 15:45, 19:00 "Форум вақти"
06:45, 18:45 "Келажақ билан юзма-юз"
06:55, 11:55, 20:25 "Оналик бахти"
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30, 15:00, 20:30 "Хулуд"
07:50, 20:50 "Бизнес-репорт"
08:00 "25-кадр"
08:30, 11:00, 15:20 "Хориж хабарлари"
08:35, 10:45, 11:45, 15:30, 19:15, 00:15 НТТда мусиқа
09:00, 12:00, 14:35, 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05, 21:50 "Муҳаббат изтироблари" т/с
09:45, 16:45, 19:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Онлайн хабарлари"
10:05 "Ижод лаззати"
10:35 Кутилмаган томоша
11:00 "Ҳаёт қадри" т/с
12:05 "Итирма бир" б/ф
14:00 "Яхши кайфият"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:25 "НТТ спорт"
16:05, 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
17:00 "Хазина"
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Болалар худуди"
21:00 "Тошойна"
22:20 "Ажал сўқмоғи" б/ф
00:15 НТТда мусиқа
00:30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Пайшанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30, 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35, 14:40, 15:45, 19:00 "Форум вақти"
06:45, 18:45 "Келажақ билан юзма-юз"
06:55, 11:55, 20:25 "Оналик бахти"
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30, 15:00, 20:30 "Хулуд"
07:50 "Бизнес-репорт"
08:00 "Тошойна"
08:30, 11:00, 15:20 "Хориж хабарлари"
08:35, 11:45, 15:30, 19:15, 00:15 НТТда мусиқа
09:00, 12:00, 14:35, 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05, 21:50 "Муҳаббат

изтироблари" т/с
09:45, 16:45, 19:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Дийдор ширин"
11:05 "Ҳаёт қадри" т/с
12:05 "Ажал сўқмоғи" б/ф
13:45 "Келажақ овози"
14:00 "25-кадр"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:25 "НТТ спорт"
16:05, 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
17:00 "Хазина"
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Болалар худуди"
21:00 "Тах.уз"
21:30 "Долзарб мавзу"
22:20 "Эркалар жамоаси" б/ф
00:15 НТТда мусиқа
00:30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Жума

06:00 Мумтоз наволар
06:30, 10:00, 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35, 14:40, 15:45, 19:00 "Форум вақти"
06:45, 18:45 "Келажақ билан юзма-юз"
06:55, 11:55, 20:25 "Оналик бахти"
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30, 15:00, 20:30 "Хулуд"
07:50 "Бизнес-репорт"
08:00 "Тах.уз"
08:30, 11:00, 15:20, 21:00 "Хориж хабарлари"
08:35, 10:45, 11:45, 15:30, 19:15, 00:15 НТТда мусиқа
09:00, 12:00, 14:35, 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05, 21:50 "Муҳаббат изтироблари" т/с
09:45, 16:45, 19:30 "Бизнес-промо"
10:05 "Буни ҳаёт дейди-лар"
10:35 Кутилмаган томоша
11:05 "Ҳаёт қадри" т/с
12:05 "Эркалар жамоаси" б/ф
14:00 "Тошойна"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:25 "НТТ спорт"
16:05, 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
17:00 "Хазина"
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Болалар худуди"
20:50 "Бизнес-репорт"
21:05 "Қопқон"
22:20 "Осмон яқин" б/ф
00:15 НТТда мусиқа
00:30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Шанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Худудий хабарлар"
06:35, 16:30 "Форум вақти"
06:45 "Келажақ билан юзма-юз"
06:55, 11:30, 19:45 "Оналик бахти"
07:00 "Яхши кайфият"
07:30 "Хулуд"
07:50 "Бизнес-репорт"
08:00 Болалар соати
09:00, 15:00 "Хориж хабарлари" т/с
09:05 "Муҳаббат изтироблари" т/с
11:15, 15:40, 19:50, 00:15 НТТда мусиқа
11:35 "Осмон яқин" б/ф
13:30 "Дийдор ширин"
15:05 "Эслайсизми"
15:20 Кутилмаган томоша
15:35 "Пойтахт хабарлари"
16:00 "25-кадр"
16:45, 19:30 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина"
18:00 "Итирма бир" б/ф
20:00 "Парламент соати"
20:20 "Эслайсизми"
20:30 "Гап"
21:30 "Хавфли ўйин" б/ф
00:15 НТТда мусиқа
00:30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Якшанба

06:30 Мумтоз наволар
07:00, 16:00 "Форум вақти"
07:25 Кинотабассум
07:30 Информацион блок
08:00 Болалар соати
09:00 "Муҳаббат симфонияси" т/с
11:55, 19:45 "Оналик бахти"
12:00 "Озод шоу"
13:00 "Хавфли ўйин" б/ф
16:15 "Тошойна"
16:45, 19:30 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина"
18:00 "Эркалар жамоаси" б/ф
19:50 Хафта спорти
20:00 "Ижод лаззати"
20:25 "Эслайсизми"
20:40 "Форум хабарлари"
21:00 "Дийдор ширин"
22:30 "Трансформерлар 2" б/ф
00:30 НТТда мусиқа
00:45 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

Ҳаётингизни, ҳеч бўлмаса, бир кунингизни мобил телефонсиз тасаввур эта оласизми? Айниқса, сўнгги уч-тўрт йилда қўл телефони ҳар биримиз учун соат, тиш чўткаси ёки ручка каби одатий бир буюмга айланиб қолди. Ҳеч муболағасиз имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётган мобил телефонларни бутун бошли коммуникация марказларига ўхшатиш мумкин. Бу жараёни кузатаркансиз, мобил алоқа нақ 60 йиллик йўлни босиб ўтганига асло ишонгингиз келмайди.

ҳатто бошқа давлатга ўтса ҳам ягона телефон апарати ва рақамидан фойдалана олиши лозим эди. Бу борадаги дастлабки тақлифни замонавий мобил телефония отаси дея эътироф этилувчи, Стокгольм техника мактаби битирувчиси Эстен Мякитоло ўртага ташлади. Унинг лойиҳаси (NMT)ни амалга ошириш учун қирққа яқин компания танлаб олин-

ZARRABIN

рилди. 1981 йил мобил алоқанинг биринчи авлоди фаолият бошлаган йил сифатида тарихга кирди. 1984 йилга келиб, абонентлар кўпая бошлади, тўр тизими уяли тизимга алмаштирилди ва алоқанинг бу йўналиши жуда истиқболли эканлиги ойдинлашиб қолди.

Мобил алоқа сўқмоқларида

Келажак бугундан бошланади

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Европа телекоммуникация компаниялари умумий алоқа тармоғи яратиш орзуси билан яшарди. Кейинчалик GSM уюшмаси тузилди. Дастлабки йилларда операторлар хизмати ва мобил телефон апаратлари жуда қimmatлигидан абонентлар бармоқ билан санарли эди. Аммо вақт ўтиши билан мобил апаратлар кўпайиб, арзонлашиб кетди. Масалан, Скандинавияда GSM фаолиятининг биринчи йилидаёқ бир миллион киши унга уланди. Телефонлар ривожланиб, имкониятлари кенгайиб борарди. 1996 йили Nokia биринчи Communicatorни тақдим этди — унда аввал ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган электрон почта жўнатиш, факс билан ишлаш, кўнғироқ амалга ошириш, интернетга кириш мумкин эди. Ўша йили Motorola оғирлиги атиги 90 грамм келадиган афсонавий StarTac телефон-китобчасини чиқарди. Бир йил ўтиб Philips кутиш тартибида 350 соат ишлайдиган Spark телефонини тақлиф этган бўлса, 1998 йили Sharp рақобатчиларига жавобан сенсор дисплейли телефон чиқариб ҳаммани лол қолдирди. Яна бир йил ўтиб эса Ericsson, ўз таъбири билан айтганда, “инсониятнинг олов ва ғилдиракдан кейинги энг муҳим кашфиёти” — T28S апаратини тақдим этди. Ўз навбатида, Nokia 7110да WAP технологияси илк бор қўлланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, мобил алоқа қисқа тарихи давомида жуда катта йўлни босиб ўтди ва ҳозирга келиб GSM стандарти имкониятлари тўлиқ ўзлаштириб бўлинди. Унинг ўрнига бошқа стандартлар пайдо бўляпти, бу бутунлай бошқа мавзу...

“Мен уларни эшитяпман!”

Биринчи мобил алоқа сеанси 1950 йилнинг декабрида Швециянинг Линдинг шаҳрида Televerket компанияси автомобилда амалга оширилганди. Автомобилда ҳаяжонини зўрга босиб ўтирган муҳандис-ихтирочи Стюре Лаурен телефон гўшагини кўтарди, аниқ вақт хизмати рақамларини терди ва лаҳзада уларнинг овозини эшитди. У айтишга улгурган сўзлар шу бўлди: “Мен уларни эшитяпман!” Тўғри, биринчи мобил телефон ҳозиргиларига ўхшаш уёқда турсин, яқин ҳам келмасди. Унинг база қисми автомашинанинг орт ўриндиқларини тўлиқ эгаллаган, олдинги ўриндиқ рўпарасида эса телефон апарати ўрнатилганди.



Мобил телефон — ҳамма учун!

Иккинчи жаҳон уруши тугаши ҳамонқ Швециянинг Televerket компанияси икки нафар ходими — Стюре Лаурен ва Рагнар Берглундга алоқа учун стационар тўрдан фойдаланувчи мобил телефон яратиш вазифасини топширади. Ўша пайтлари ҳам мобил радиоалоқа тизимлари мавжуд эди, фақат улардан полиция ва ҳарбийлар фойдаланишган. Шундай қилиб икки ҳамкасбнинг биринчи ишланмаси — МТА 1956 йилдан тижорий эксплуатацияга чиқди. Ростини айтганда, МТА фақат Стокгольм ва Гетеборгда ишлатилар, абонентлари сони эса 1956 йили бор-йўғи 26 кишини ташкил этарди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, негаки, ўша пайтлари мобил телефон яхшигина автомашинанинг ярим пулига тенг эди-да.

Мобил эволюция

1969 йилдан аксарият телекоммуникация компаниялари мобил алоқа ягона тўрини яратишга жиддий қизиқиб қолишди. Режага кўра, абонент

ди. Уларнинг ҳамкорлиги натижасида янги база станциялари, линия коммутаторлари ва мобил телефонлар дунёга келди. Бу жабҳада, айниқса, Ericsson компанияси жуда фаол эди. Ўша пайтлари компания Саудия Арабистонида шартномани қўлга киритиш учун Philips билан курашаётганди. Араблар учун эркин телефон тармоғи сув билан ҳаводек зарур бўлиб, ҳар қандай харажатга рози эдилар. Шу тариқа “скандинав мобил телефонияси” (NMT-450) биринчи бўлиб Саудия Арабистонида, ўз тарихий ватанидан бир неча ой аввал ишга туши-

iPhonенинг фойдаси

Apple компанияси учинчи молиявий чоракни рекорд кўрсаткичи — 28,57 млрд. доллар даромад, 7,31 млрд. доллар соф фойда билан якунлади. Даромаднинг катта ярмини iPhone савдоси келтирган. Бу iPad, Mac ва iPod сотувларини қўшиб ҳисоблаганга тенг натижа.

Бепул SMS ва кўнғироқ

Калифорниянинг Pinger компанияси Германияда бепул SMS-хизмат орқали Европа экспансиясини бошлади. Pinger AQShда 2005 йилдан интернет орқали бепул мобил хизмат кўрсатиб келади. Пул тўламасдан телефон қилиш ва SMS жўнатиш эвазига Pingerнинг америкалик 15 млн. нафар фойдаланувчиси реклама кўришга рози (ойига 1,6 млрд. SMSга 2 млрд.дан ортиқ реклама хабари тўғри келади).

Европа ва Америкада етакчи

Samsung — Европа ва Шимолий Америкада энг оммалашган 3D-телевизорлар ишлаб чиқарувчиси. Компания Европа 3D-телевизорлар бозорининг 50,5 фоизини, Шимолий Америкада эса 58,4 фоизини ишғол этган.

Lenovo етакчилар сафида

Lenovo жаҳон компютер бозорининг етакчи училиги сафига кирди. Бунинг учун Тайваннинг Асег компанияси шахсий компютерлар бозори илғорлари сафидан сиқиб чиқарилган. Компания юқорида NEC компютер бизнесининг сотиб олиниши ва қурилмалар сони иккинчи чоракда 10,22 млн.тага етказилиши муҳим қадам бўлди. Иккинчи ўринни банд этган Dell билан оралиқни сотилмай қолган 400 мингта компютер тўлдирши ҳам мумкин эди.

Google — энг яхши иш берувчи

Universum ташкилоти тадқиқотларига кўра, беш йилдирки, Google интернет-гиганти AQShдаги 100та энг яхши иш берувчи рўйхатини бошқармоқда. Талқиқотга кўра, мутахассислар мураккаб ва истиқболли ғояларни амалга ошириш имконини берувчи соҳаларни танлашяпти. Бу борада Америкада молия муассасалари муҳандислик ва технология компаниялари олдида ожиз қолмоқда. Оммавийлик борада Apple учинчи, Facebook ва Amazon.com 7 ва 8-ўринларни банд этган.

Патент можароси

Apple тайванлик рақиб — HTCни патент можаросида ютиб чиқди. AQShнинг халқаро савдо комиссияси HTCни смартфон ва планшет компютерларда технологиялардан фойдаланишда ноқонуний фаолият кўрсатишда айбдор деб топди. Энди AQSh Google Android тизимини қўловчи HTC смартфонлари ва HTC Flyer планшет компютерлари импортини тақиқлаши мумкин.

Амалиётларда ўсиш, даромад эса...

Yahoo! Inc. соф фойдаси жорий йил биринчи ярмида бир йил аввалгидан 12 фоизга камайиб, 463 млн. долларни ташкил этди. Шунга қарамадан, интернет-компания амалиётлар фойдаси 5 фоизга ўсди: 380,64 млн. доллар.

Интернет материаллари асосида С.АҲАДОВ тайёрлади

Бирлашган илмий семинар

Унда ўтган вақт ичида олтита номзодлик диссертацияси муҳокама қилинди

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашни ривожлантириш, бажарилган диссертация, илмий тадқиқот ва илмий янгиликлар натижаларини муҳокама қилиш ва уларга баҳо бериш, амалда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида "UNICON.UZ" ДУК қошида доимий фаолият кўрсатувчи "Алоқа ва ахборотлаштириш муаммолари" номли бирлашган илмий семинар (БИС) ташкил этилди.

Бирлашган илмий семинар таркиби 2010 йил 2 ноябрдаги "UNICON.UZ" ДУК директорининг 232-буйруғи билан тасдиқланган. Унинг аъзолари таркибига "UNICON.UZ", Тошкент ахборот технологиялари университети, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси

олимлари ва етакчи мутахассислари жалб этилган. Ушбу семинар расмлари сифатида академиклар Ж.Абдуллаев ва Т.Ражабовлар тасдиқланган.

БИСнинг вазифаси — "UNICON.UZ" ДУК, ТАТУ ва бошқа илмий ташкилотларда илмий ходим ва ёш мутахассислар бажарган илмий-тадқиқот ва техникавий ишланмаларнинг натижаларини илмий жамоатчиликка таништириш, муҳокама ва мунозараларда қўтарилган масала ва фикрлар асосида муаллифларга маслаҳатлар ва таклифлар бериш, илмий мақолалар сифатини ва моҳиятини ошириш, яратилаётган ишланмаларни такомиллаштириш ҳақида тавсиялар беришдан иборат.

БИС ўз фаолиятини 2010 йилнинг 15 ноябрида бошлади. Семинар мажлисларида "UNICON.UZ" ДУК, ТАТУ, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Рес-

БИС
мажлисларида
нашрга
тайёрланган 5та
илмий мақола,
бажарилган илмий
тадқиқот ҳақида
5та ҳисобот ва
натижалар
муҳокама этилди.

публика мудофаа вазирлиги ва бошқа ташкилотлар олимлари, етакчи мутахассислари, тадқиқотчилари ўз диссертация ишлари, илмий мақолалари ва ишланмалари ҳақидаги маърузалар билан иштирок этмоқдалар.

Ўтган вақт ичида семинар саккиз бор мажлис ўтказди. Уларда бта номзодлик диссертация ишлари муҳокама қилинди ва БИС аъзолари-

нинг тавсиялари ва фикр-мулоҳазалари иноватга олингандан сўнг ихтисослаштирилган кенгашлар қошидаги илмий семинар муҳокамасига тавсия этилди. Шунингдек, БИС мажлисларида нашрга тайёрланган 5та илмий мақола, бажарилган илмий тадқиқот ҳақида 5та ҳисобот ва натижалар муҳокама этилди. Семинар мажлисларида олимларнинг янги илмий-назарий натижалари муҳокама қилинди ва "Ахборот-коммуникациялар: Тармоқлар-Технологиялар-Ёчимлар" журналыда чоп этишга тавсия этилди.

Семинар мажлисларида 11 нафар ёш олим ва мутахассис маърузалари муҳокама этилди. Уларга бажарилган тадқиқотларнинг илмий моҳиятини ва қўламини ошириш, уларни умумий қабул қилинган қоидалар ва кўрсатмалар асосида ёритиш ва изоҳлаш, илмий тадқиқотларни бажаришда, илмий мақолалар ёзишда шу соҳага тааллуқли илмий натижаларнинг танқидий изоҳлари ва ҳозирги замон фанидаги ютуқлардан фойдаланиш муаммолари ҳақида маслаҳатлар берилди.

О.НУРИДДИНОВ,
Бирлашган илмий семинар
илмий котиби

Маълумот ўрнида:

Семинар фаолиятини кенг илмий жамоатчилик ўртасида ёритиш учун www.unicon.uz сайтида ҳар бир мажлис натижалари ҳақида ахборот берилмоқда.

Азиздир инсон

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида "Бу муқаддас ватанда азиздир инсон" мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда филиал директори вазифасини бажарувчи Ғуломиддин Авазов халқимизнинг асрий орзу-си бўлган мустақиллик байрамининг 20 йиллигини шоду хуррамлик билан қутиб олиш, қўрилаётган катта ҳозирлик, почта алоқаси тармоқларида ҳам олиб борилаётган тайёргарлик ишлари тўғрисида тўхталди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Санжар Орипов, ТАТУ Қарши филиали гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири Гулшана Худоевора, Қарши почта алоқаси тармоғи бошлиғи Нормурод Орзиқулов ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, кенг қўламли бунёдкорлик, юртимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва салоҳияти, биргина почта алоқаси соҳасида бўлган ўзгаришлар, ислохотлар, соҳа ривожидан ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши тўғрисида гапирдилар.

Элбек ОЧИЛОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Қашқадарё филиали КТ ва КТ
бўлими инспектори

➔ MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA

Оҳангарон дарёси бўйида жойлашган сўлим қишлоқда вояга етдим. Азиз ватанимга бўлган чексиз муҳаббат дарё шовқин-ю онам алласи орқали қўлоғимга муҳрланган бўлса ажаб эмас.

Уйда ота-онам, мактабда устозларим яхшилиқнинг шарофати ҳақида гапиришса қалбим жўшиб кетар, мен ҳам тезроқ катта бўлсаму кимларгадир яхшилиқ қилиб, қалбини шод этсам дердим. Шу сабаб ўрта мактабни битиргач, кўпчиликнинг иши тушадиган корхона — туман почта алоқаси тармоғига ишга кирдим.

Ишни 1989 йилда почта кузатувчиликдан бошлаганман. Бир йил шу вазифани бажаргач, 1990 йили Қушамғали почта алоқаси бўлимига бошлиқ бўлдим. Олти йилдан сўнг эса Қуйичирчиқ туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосарлиги вазифасини қабул қилиб олдим. Сўнгра 1997 йили қадрдон туманим Оққўрғон почта алоқаси тармоғида инструктор ревизорлик қилган бўлсам, 1997 йилдан бери сеvimли корхонамни бошқариб келяпман. Ишлай туриб Тошкент ахборот технологиялари университетини ҳам битириб олдим. Мен умрим пилла-пояларини белгиловчи бу саналарни бежизга санаб ўтмадим. Демок-

Хикмат

Ёшлиқдаги ғайрат — кексалиқдаги роҳат.

Ўзбек халқ мақоли

Катта ўзгаришлар шоҳидиман

чиманки, республикаимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йили давомида соҳадаги янгиликлар, улкан ўзгаришлар менинг кўз ўнгимда амалга ошди.

Бизнинг корхонамизда мен дастлаб иш бошлаган пайтимда барча ёзув ишлари оддий, механик машинада бажарилар, одамлар узокдаги қариндоши билан гаплашиш учун кабиналарнинг бўшагини кутиб соатлаб вақтини кетказишар, жўнатган пули эса бир ҳафта давомида етиб борарди.

Энди-чи? Бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг электрон пул жўнатмаси уч дақиқа ичида эгаси қаерда бўлишидан қатъи назар қўлига тегади. Барча ёзув-чизув ишлари, бухгалтерия ҳисоблари, корхоналар ўртасида ҳужжат алмашинуви — ҳамма-ҳаммаси ақлли машиналар — компютерлар зиммасига юклатилган. Юртимиз алоқа ва ахборотлаштириш

соҳаси раҳбарлари аҳолига почта ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш сифатини дунё миқёсига олиб чиқиш учун барча ишларни қиლაётгани ҳеч кимга сир эмас.

Жамоамизнинг аҳил аъзолари Республика мустақиллигининг 20 йиллик қутлугу тўйини барча кўрсаткичлар бўйича режаларни ортиғи билан бажарган ҳолда ёруғ юз, катта хурсандчилик билан қутиб олмоқдалар. Улуғ байрам арафасида Қушамғали, Хонобод алоқа бўлиmlари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ишловчилар ва мижозлар учун етарли шароит яратилди. Айни пайтда кўпгина алоқа бўлиmlарида электрон пул жўнатмалари қабул қилиняпти. Ҳадемай Қўрғонтепа ва Дўстлик алоқа бўлиmlарида ҳам электрон пул жўнатмалари қабул қилина бошлайди.

Байрам олдида ободонлаштириш ишларига катта эътибор беряпмиз. Атроф-муҳит тозаланиб, чиройли ҳолга келтириляпти. Қутлугу шодиёна олдида қалбимиз каби ён-атрофимиз ҳам чароғон бўлиши керак-да.

Хусниддин БОТИРОВ,
Оққўрғон почта алоқаси
тармоғи бошлиғи



Билим ва маҳорат кўриги

Касаба уюшма ишларининг давр талаблари даражасида олиб борилиши кўмита раисларининг ташкилотчилиги, омма билан ишлаш олиш қобилияти, билим ва маҳорати, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етуқлиги-га кўп жиҳатдан боғлиқ.

Алоқа корхоналари бошланғич ва цех касаба уюшмаси кўмиталари ўртасидаги "Энг яхши касаба уюшмаси кўмитаси" кўрик-танловининг Бухорода ўтказилган вилоят босқичи давомида айнан шу жиҳатлар кўзга яққол ташланди. Танлов энг яхши ва фаол касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларини аниқлаб берди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат Кодекси бўйича берилган саволларга, шунингдек, ходимларни ишга қабул қилиш тартиби, меҳнат шартномаларининг муддатига кўра турлари, ходимлар учун белгиланган дастлабки синов ҳамда 16 ва 18 ёшта тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақти муддатлари, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун ходимга тўланадиган иш ҳақи миқдори, корхона ички меҳнат тартиби қоидалари билан боғлиқ бошқа бир қатор саволларга атрофлича жавоб беришди.

Бундан ташқари, улар бадий қисм доирасида ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, шеър ўқидилар, ашула куйлаб, рақсга тушдилар. Ўзбек халқ мақолларидан айтиб, уларни шарҳлаб бердилар.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ, фахрли биринчи ўрин "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали касаба уюшмаси кўмитасига, иккинчи ўрин "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ҳамда учинчи ўрин Вобкент туман телекоммуникациялар боғламаси бошланғич касаба уюшмаси кўмиталарига берилди.

Ғолибларга вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Асқар ИСТАМОВ,

"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалининг Оҳангарон туман почта алоқаси тармоғида туман Фуқаро муҳофазаси тузилмалари (ФМТ)ни жалб этган ҳолда объект машғулотидаги ўтказилди.

Оҳангаронликлар ўқув машғулотида

Тиббий, қутқарув, ўт ўчириш, алоқа, транспорт, жамонат тартибини сақлаш гуруҳлари амалий машғулотларда қатнашиб, ўз зиммаларидаги вазифаларни бажаришди.

Тадбирдан кўзланган мақсад, аввало, ишчи-ҳодимларни техноген ҳалокат билан боғлиқ фақулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, раҳбар-ҳодимларнинг қидирув-қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни, шунингдек, ишчи-ҳодимларни муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришдаги услубий билимларини оши-



риш эди. Қолаверса, машғулотларда фақулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тинчлик даври учун ишлаб чиқилган режаларнинг ишчанлиги текширилди, ФМТнинг ишчи-ҳодимларни эвакуация қилиш, жароҳатланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, фақулдда вазият оқибатларини бартараф этиш юзасидан ҳаракатларини мувофиқлаштириш борасида тажриба орттирилди.

Аҳматали УМУРЗОҚОВ,
ўқув машғулоти раҳбари,
Оҳангарон ПАТ бошлиғи

Қизиқ факт

FedEx компанияси логотипида нима яширинганини биласизми?

Логотипнинг Е ва х ҳарфлари ўртасидаги бўшлиқда стрелка белгиси ҳосил қилинган. Логотип дизайнери Линдон Лидер тасавури бўйича бу стрелка компаниянинг хат ва жўнатмаларни миқдорларга тезликда етказиб беришини ифода қилади.

FedEx

Гулистонда ижодий учрашув

Сирдарё вилояти "Маънавият ва маърифат" марказида "Ўзбектелеком" АКнинг Сирдарё филиали, Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали, Давлат алоқа инспекцияси, Электромагнит мослашув хизмати, Фелдгегерлик хизмати, Махсус алоқа тармоғи вилоят бўлими, 3-ШМАТБ, Алишер Навоий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, "Матбуот уюшмаси" МЧЖ каби ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислари ва ходимлари иштирокида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Бегматов очиб, иштирокчиларни тобора яқинлашиб келаётган энг улуг ва энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги билан қутлади.

Тадбирга таклиф этилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Гулистон Давлат университети катта ўқитувчилари қизиқарли маърузалар қилишди. Таниқли шоирлар Анвар Тоғаев, Бахтиёр Ватан, ёш ижодкор Мурод Ҳайитовлар Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигини, халқаро майдонда мафкуравий ва ғоявий курашлар кучайиб

бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовуларга, ахборот хуружларига қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси турганлигини алоҳида таъкиллаб ўтишди. Мустақилликни улуғловчи, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат мавзуидаги ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Гулистон Давлат университети катта ўқитувчилари А.Содиқов ва Ф.Боқиевлар "Йигирма йиллик довонлар оша", "Асрга татиқлик йиллар", "Ўзликни йўқотмаслик учун ўзликни англаш керак" мавзуидаги маърузаларида мустақиллигимизнинг осонлик билан қўлга киритилгани, бу йўлда олиб борилган мислсиз ку-

рашлар тарихи, мустақил тараққиётимизнинг "Ўзбек модели" асосида ўтган йигирма йиллик давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимиз, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани ҳақида қизиқарли факт ва маълумотларни келтиришди.

Тадбирда юз нафардан ортиқ алоқа ходимлари иштирок этишди. Маърузаларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида эришилаётган муваффақиятларимиз ҳақида ҳам ғоят муҳим фактлар келтирилди. Бу, албатта, тадбир иштирокчиларининг соҳадаги билимларини яна бир бор мустаҳкам-

лади. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда мазкур соҳада салмоқли ютуқларга эришилди. Юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 7,5 миллиондан ортиб кетгани ҳам бунга тасдиқлаб турибди. Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Рақамли телевидениега ўтиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилапти. Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасида барпо этилган корхонада рақамли телевидение учун махсус мосламалар ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда ҳар минг кишидан 600 нафари мобил алоқадан фойдаланаяпти. Кишлоқ жойларда аҳолининг телефон алоқаси билан таъминланишига катта эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда энг чекка кишлоқларда ҳам сунъий йўлдош орқали алоқа ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлганлиги қувонарли ҳолидир. Ахборот-кутубхона, почта соҳасида эришилаётган ютуқлар кўлами ҳам салмоқлидир.

Тадбир сўнгида иштирокчилар вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан мустақиллиқнинг йигирма йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўргазмалар билан танишишди.

Бахтиёр ЮРСУНОВ
Сирдарё вилояти

Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқади халқаро каналларга эга.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган концепциянинг яратилишига истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ тамал тоши қўйилган эди. Бугун буни дунёнинг таниқли сиёсатшунослари ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

КОНЦЕПЦИЯ — илғор ғоя ва ташаббуслар мажмуи

Замон талабини акс эттирган илғор ғоя ва ташаббуслар мажмуи — концепцияни кенг омма зўр қизиқиш билан ўрганаётганлиги мамлакатимизда ушбу ислохотларни ўтказиш учун ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароит, пухта замин пишиб етилганлигидан, одамларимиз ҳуқуқий маданияти, сиёсий онги бундай ислохотларга шай ҳолатга келганлигидан далолат беради. Бу албатта, истиклол шарофати, мустақиллик мевасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек давлатчилиги ва хорижий давлатлар тажрибасига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ҳамда миллий қадриятларимизга асосланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг муваффақиятли бўлишида ўзининг муносиб ўрнига эга. Зеро, у дунёдаги энг илғор конституциялар сирасига кирса-да, жамият ривожини, мамлакатнинг изчил модернизация қилиниши уни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Қолаверса, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар демократик ислохотлар аниқ мақсадга қаратилгани ва у босқич-ма-босқич ўтказилаётганлигидан ҳам далолат беради.

Биргина Конституциянинг 78-моддаси биринчи қисми 15-бандига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга эътибор қаратинг. Унга муво-

фиқ, Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати имкониятларини янада кенгайтиради, депутатларнинг, фракцияларнинг долзарб социал-иқтисодий масалалар ҳал этилишида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлади.

Шунингдек, асосий Қомусимизда ушбу норманинг жорий этилиши мамлакатимиз давлат бошқарув тизимида мутлақо янги ҳаётга келтирилган бўлиб, у бир томондан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколатларини янада кенгайтириш имконини беради. Иккинчи томондан эса, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги деб аталувчи муҳим демократик тамойилнинг янада мустақамланишига катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгартишларнинг мазмун-моҳиятига кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган бутунлай янги сиёсий-ҳуқуқий тартиб жорий этиляпти. Конституцияга киритилган бу ўзгартишларга биноан Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисида Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда ва айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон

➔ NUQTAI NAZAR

дир. Асосий Қонунимизга киритилган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг ваколатларини янада ошириб, уларни жамият сиёсий-ҳуқуқий тизимидаги асосий субъектларга айлантиради. Бу, ўз навбатида, демократик жамиятга асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда хизмат қилади. Концепцияда белгиланган вазибаларни амалга ошириш маҳаллий кенгашлардаги партия

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ҳамда миллий қадриятларимизга асосланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг муваффақиятли бўлишида ўзининг муносиб ўрнига эга.

депутатлик гуруҳларига ҳам боғлиқ. Биз депутатлар, энг аввало, ишимизни қайта кўриб чиқишимиз ва уни замон талабларига мослаштиришимиз лозим. Биринчи навбатда, сессиялар кун тартибига олиб чиқилаётган ҳар қандай масала чуқур ўрганилиб, ундан кейингина маҳаллий ижро ҳокимият органлари иштирокида муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мазкур жараёнда сайловчилар иштирокини таъминлаш орқали уларнинг мулоҳазаларини эшитиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Чунки муайян масала юзасидан қабул қилинадиган қарорларда ундан манфаатдор қатламнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топса, уни ҳаётга татбиқ этиш осон кечади.

Мухтасар айтганда, концепциядаги илғор ғоя ва тақдирлар қонуний асосга эга бўлиши ва ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мустақиллигимизни мустақамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистонда инсон манфаатлари — энг олий қадрият!

Тошнўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

ЁНГИН СОДИР БЎЛГАНДА...

Фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тadbирлар

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан мақсад ёнгинга қарши курашни қўлайитириш, ёнгинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шior ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳоли қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Очiq алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.
- Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз, қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.
- Белгиланган жойларда чекиш.

Ушбу қоидаларга риоя қилинса биз уйимизни, йиллаб йиққан мол-мулкимизни, қолаверса, ўзимиз ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз.

З.МУРАМЕТОВ,
ЕХБ 12-ҲҲО капитани

“Абитуриент-2011” хизмати

“Билайн” “Зава Мобиле” контент-провайдерини ҳамда Давлат тест маркази билан биргаликда “Абитуриент-2011” ахборот хизматини ишга туширди. Хизмат SMS орқали олийғохлардаги исталган йўналиш бўйича танловни аниқлашга, шунингдек, шахсий натижаларни билишга имкон беради.

Мазкур воқеани “Юнител”нинг жамоатчилиги билан алоқалар хизмати катта менежери Ораз Абдураззоқов қуйидагича шарҳлади: “Мана икки йилдирки, биз абитуриентларга мазкур сервисни тақдим этиб келаямиз ва унинг имкониятлари кенгайтирилганлигидан хурсандмиз. Кириш имтиҳонларининг натижаларини кутиш ҳар доим ҳам осон бўлмаган, эндиликда эса шунчаки SMS жўнатиб, жавобларни билиш мумкин. Ишонаманки, бу йилда хизмат янаям оммалашади”.

Мамлакат олийғохларига танловлар тўғрисидаги ахборотларни бериш доирасида абонент 5151 рақамига таълим йўналиши коди кўринишида SMS сўров юбориб, қуйидагича жавоб олади: “18: XXXX; VUZ: XXXX; Напр/Мутах: XXXX; Приём/Қабул: XXXX; Сдало/Тошпирди: XXXX; из них/улардан XX кўзи ожиз/слепих, XX олимп ғолиби/победители олимп, XX солдат”.

Хизматнинг иккинчи қисмидан фойдаланиш ҳам телефоннинг қўшимча содлаш ва функцияларини



талаб этмайди. Хизматни бошқариш жараёни оддий ва тушунарли: жавоб варақасининг рақами кўрсатилган сўровга (масалан, 100003) жавобан қуйидаги кўринишда SMS келади: “N:100003, VUZ:355, BALL:195.5. Сиз GRANT асосида ўқинишга қабул қилиндингиз. Вы поступили на ГРАНТ”.

Қайд қиламиз, мазкур хизмат орқали натижаларни Давлат тест маркази кириш имтиҳонлари натижаларини эълон қилганидан сўнг билиш мумкин бўлади. Ушбу пайтгача абонентлар 5151 рақами бўйича сўровларга серверга киришнинг имконияти йўқлиги ҳақидаги жавобни олади. Бу ҳолда сўров ишлаб берилган ҳисобланиб, хабар жўнатиладиган хизмат учун ўрнатилган нархга мувофиқ тарифланади.

Чиқиш хабарининг нархи — \$0,75. Батафсил маълумот — www.zava.uz сайтида.

Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида Мексика-2011 мусобақасида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муносиб тақдирланди. Давлатимиз раҳбарининг Фармойиши билан футболчиларимиз ва мураббийлар штаби «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан муфокотланишди.

Шунингдек, терма жамоа бош мураббийи Алексей Евстафеев ва терма жамоанинг катта мураббийи Аҳмаджон Мусавва «Lacetti» автомашинаси, футболчиларимиз Фанишер Холмуродов, Сардор Раҳмонов, Жавлон Мирабдуллаев, Мухсинжон Убайдуллаев, Равшанжон Ҳайдаров, Асилжон Мансуров, Аббосбек Махталиев, Сардор Собирхўжаев, Давлатбек Ёрбеков, Бобур Давлатов, Азизбек Муротов, Холмурод Холмуродов, Тимур Ҳақимовларга «SPARK» автомашиналари топширилди.



Ўсмирларимиз муносиб тақдирланишди



Ўзбек кураши Осиё ўйинларида!

Шу йилнинг 14 июлида Япониянинг Токио шаҳрида Осиё олимпия кенгашининг навбатдаги Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳридаги ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастури муҳокама этилди. Авваллари алоҳида ўтказилган бу икки нуфузли мусобақанинг қўшилиши натижасида унинг дастуридан фақат дунё миқёсида жадал ривожланаётган спорт турлари жой олди.

Осиё олимпия кенгаши қарорига кўра, кураш ёпиқ иншоотлардаги ва жанговар яккакурашлар бўйича ўтказиладиган IV Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Бу, курашнинг Олимпия ўйинларига киритилиши сари қўйилган дадил қадамлардандир.



Анузар Юнусов

Эртага ЖЧ-2014 саралашини бошлаймиз

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги Жаҳон чемпионати иккинчи саралаш босқичи доирасида дастлабки учрашувни эртага Қирғизистон терма жамоасига қарши ўтказди.

«Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтадиган мазкур баҳсда майдонга тушиши мумкин бўлган футболчилар рўйхати эълон қилинди. Абрамов таркибга тажрибали футболчилар билан бир қаторда, ёш футболчиларни ҳам киритган.

Учрашув 23 июл куни соат 19:00да бошланади.

Олимпиячилар халқаро турнирда қатнашади

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 8-11 август кунлари Украина пойтахти Киев шаҳрида ташкил этиладиган Валерий Лобановский хотирасига бағишланган халқаро турнирда қатнашади. Унда Сербия, Исроил, Ўзбекистон ва мезбонлар — Украина терма жамоаси иштирок этади.

Қуръа натижасига кўра, Вадим Абрамов шогирдлари 9 август куни Сербия билан, Украина эса Исроилга қарши кураш олиб боради. Голиблар финалга йўл олишса, мағлубиятга учраган жамоалар 3-ўрин учун баҳсда иштирок этишади.



Жаҳон кубогидан медаллар

Словакиянинг Осрбли шаҳрида ёзги биатлон бўйича ўтказилган жаҳон кубоги иккинчи босқич мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учтадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди. Мусобақанинг спринт — қисқа масофага югуриш баҳсларида Анузар Юнусов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қувиб ўтиш баҳсларида эса кумуш медални қўлга киритди. Яна бир истеъдодли спортчимиз Руслан Носиров спринт баҳсларида кумуш, қувиб ўтиш мусобақасида бронза медал билан тақдирланди. Ўсмирлар ўртасидаги спринт баҳсларида Алиакбар Юнусов бронза медалга, Марина Хмелевская югуриш беллашувларида кумуш, қувиб ўтиш мусобақасида эса бронза медалга лойиқ топилди.

Қисқа сатрларда:



Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда ўндан ортиқ мамлакатнинг юз нафардан зиёд чарм қўлқоп усталари орасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учтадан кумуш ва бронза, жами олти медални қўлга киритди.



Украинада пенчак-силат бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ўзбекистонлик яккакураш усталари 13 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Ҳамюртларимиздан Шаҳзод Азизов, Муҳаммад Раҳимов, Жавоҳир Валиев, Абдулазиз Адҳамжонов, Фурқат Ёқубов, Ойбек Валихонов, Санжар Мирҳайдаров ва Сарвар Ҳайруллаев шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.



Россия кубогининг 1/16 финал босқичи доирасида Уляновскининг «Волга» ҳамда Махачқалъанинг «Анжи» клублари ўртасидаги баҳсда Одил Аҳмедов «Анжи» таркибидаги биринчи расмий голини киритди. Учрашув 3:0 ҳисобида «Анжи» фойдасига ҳал бўлди.



Ялтада ёзги ўқув-машғулоти йиғинида иштирок этаётган «Насаф» жамоаси 20 июл куни режага кўра, иккинчи ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Қаршилиқлар Украинанинг «Севастопол» клубини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди. «Насаф» таркибида Шухрат Мирхалдишев ва Азамат Аланиязовлар гол муаллифлари бўлишди.



«Бунёдкор» клуби ярим ҳимоячиси Азиз Ҳайдаров фаолиятини Бирлашган Араб Амирликлари клуби бўлмиш «Аш Шабоб»да давом эттирадиган бўлди. Бу хабарни «Аш Шабоб» клуби менежери Обайд Ал Ҳубайза расман тасдиқлади.



Аргентинада давом этаётган Кopa Америка мусобақасининг ярим финал учрашувлари ўтказилди. Унда Перуни мағлубиятга учратган Уругвай ҳамда Венесуэла устидан ғалаба қозongan Парагвай финалга йўл олишди.



Туркиянинг «Галатасарой» жамоаси Италиянинг «Лацио» клуби дарвозабони — уругвайлик Фернандо Муслера билан шартнома тузганини эълон қилди. Турк клуби сайтининг маълум қилишча, клуб 25 ёшли дарвозабон билан беш йиллик шартнома имзолаган. Трансфер суммаси 6,75 миллион евро ташкил қилган.



Германияда ўтказилган аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунига етди. Унда Япония терма жамоаси бош совринни қўлга киритди. Улар ҳал қилувчи баҳсда АҚШлик қизларни пеналтилар сериясида доғда қолдиришга муваффақ бўлдилар.



Италиялик афсонавий футболчи Роберто Баджо УЕФАнинг иккинчи даражали мураббийлик лицензиясини қўлга киритди. Бундай лицензияга эга бўлган мураббийлар Италиянинг учинчи даражали дивизионларида иштирок этувчи клубларда ва ёшлар жамоаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар. Шу билан бирга, Италия А сериясида бош мураббий ёрдамчиси сифатида фаолият олиб бориши ҳам мумкин.



УЕФА Европа спорт ОАВлари иттифоқи билан ҳамкорликда янги соврин жорий этишга қарор қилди. Ушбу соврин мавсум якунларига кўра Европанинг энг яхши футболчисига топширилади. Унинг илк эгаси 25 август куни Чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига қуръа ташлаш маросими вақтида аниқланади.



Жанубий африкалик енгил атлетикачи Оскар Писториус 400 метрга югуриш бўйича Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берувчи «А» лицензияси нормативини бажарди. Этьиборлиси, Писториус протез ёрдамида югуради. У ёшлигида икки оёғидан айрилган.

Kitob.uz

Ўзбек китобхонларининг янги сайти

"Китоблар инсон тафаккурининг жаҳоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қолдиради", деб ёзган эди ўзбек адабиётининг ёрқин намоён-даси Ойбек.

Ахборот технологиялари кенг ривожланган ҳозирги кунда, ўзбек китобхонага туҳфа бўлган яна бир янгилик Республика халқ таълими мутасадлигида Kitob.uz сайтининг очилиши бўлди. Мазкур сайт ижодкорлари ёш ва янгиликсевар, илм жаҳҳасида замонавий ахборот технологияларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўйишга интилаётган Республика билан кутубхонаси жамоасидир.

— Биз кун сайин энди тетапоё қадм ташлаётган Kitob.uz сайтини янгиликлар билан таъминлашга интиламиз, — дейди кутубхона раҳбари Дониёр Ўролов. — Kitob.uz сайтида болалар учун ва умуман, ўзбек адабиёти бўйича янги лойиҳаларни ишга туширишга шай турибмиз. "Сайтимизда кўпроқ қайси китоблар бўлишини хоҳлар эдингиз?" савол-жавоблар саҳифаси ана шулар жумласидандир.

Бугун сайтда китобхонлар учун "Ўзбек адабиёти", "Электрон адабиёт-



лар", "Жаҳон адабиёти", "Ривоятлар", "Эртақлар", "Биласизми?", "Лойиҳалар", "Матбуот хизмати" ва қўллаб бошқа саҳифалар хизмат кўрсатишни бошлаб юборган. Кўчириб олиш учун электрон китоблар рўйхатлари тузилган.

Эндиликда ҳар бир китобхон ўз уйида ўтириб Kitob.uz сайти жавонидан ўзига керакли бўлган китобини топиб ўқиш имкониятига эга. Шу кун-

ларда янги сайтнинг нодир китоблар саҳифасини тайёрлаш бўйича амалий ишлар давом этапти. Ўйлаймизки, Kitob.uz ўзбек китобхонларининг сеvimли сайтларидан бирига айланади. Бу эзгу ва маънавий изланишларда Kitob.uz ижодий жамосига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Давронбек РАЖАБОВ

MASLAHAT

Уй шароитида ҳам

Тишингиз сарғайибдими, уни уй шароитида ҳам оқартирсангиз бўлади.

Бунинг учун сизга дорихонада тайёрланган 3 фоизли водород пероксиди, 2 стакан қайнатилган сув, кўмир (активированный уголь) таблеткаси ва пахта керак бўлади.

Эрталаб қайнатилган сувга 1 чой қошиқ водород пероксиди қўшинг. Тишингизни тиш пастаси билан тозалаб бўлгач, 2-3 дақиқа давомида аралашма билан оғзингизни чайинг ва охирида тоза сувда чайиб ташланг.

1-2 дона кўмир таблеткасини майдалаб, унга тиш чўткасини ботириб тишингизга ишқаланг. Ёки тиш пастасига майдаланган кўмир таблеткасидан себиб ювиш ҳам мумкин. Кечкурун эса эрталаб тайёрлаган аралашмадан тайёрлаб тишингизни чайинг.

Унутманг!

Оғиз шиллиқ пардасига зарар етказмаслик учун водород пероксидини жуда кам қўйиш лозим, лекин зинҳор аралашмани ютманг!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази жамоаси марказнинг жошқуяр ходимлари — Замирахон ШАҲОБИТДИНОВА ва Унсиной ДАДАБОВЕВАларни 50 ёши билан чин дилдан муборакбод этади. Уларга узоқ ва сермазмун ҳаёт, сийҳат-саломатлик, келгусида ишларида зафарлар тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Қўштепа телекоммуникациялар боғламаси ходими Маъмиржон КОМИЛОВни 55 ёши билан қизгин муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлари бахту иқболини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Данғара ва Фурқат почта алоқаси тармоқлари ходимлари Майрамоё ЭШОНҚУЛОВА ҳамда Алижон ТОШҚУЗИЕВларни 55 ёши, Фарғона шаҳар ПАТ ходими Дилоромжон МАТМУСАЕВни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғлиқ, узоқ-умр, фарзандлар камолтини кўришликни тилайди.

Жаҳонддин РУМЙИ

ДЎСТИНГ КИМ?

Ям-яшил адирда шилдираб ирмоқ оқарди. Бир кун ирмоқ четидаги тошлар орасида сичқон билан қурбақа учрашиб дўстлашиб қолди. Бу дўстлик кун сайин кучайди. Шу даражага етдики, оқшом чўкиб, кун ботгач сичқон қоянинг ковагига, қурбақа эса сув тубига тушар, тонг отишини интиқ бўлиб кутишарди. Сичқон ўйлай-ўйлай, ниҳоят бир чора топди. Қурбақага: "Қадрли дўстим, сени соғиниб, тунларим уйқусиз кечмоқда. Мен чора топдим. Мана бу ипни олиб, бир учини думимга боғлайман. Кеч кирди дегунча сен сувга шўнғийсан, мен ҳам уямга кириб кетаман. Агар тунлари кўришишни истасак, ипни тортаман ва кўришамиз", деди.

Қурбақа бу таклифга рози бўлди. Улар бир ипга боғландилар. Орадан бир неча кун ўтди. Бир кун қарға сичқонни кўрди ва қоянинг ковагига кириб бекиниб олди. Кеч киргач, қарға сичқонни чангаллаб осмонга кўтарилди. Табиийки, қурбақа ҳам бирга эди. У сичқон думига боғланганча ҳавога солланиб шундай деб бақирарди:

"Ҳайҳот! Ҳар ким ўз тенги билан дўст бўлсин!"

TABIAT NE'MATLARI

Тарвуз



Абу Али ибн Сино тарвуз мевасининг юмшоқ қисми ва уруғини жигар, буйрак касалликларини даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатган. Тарвуз шарбати чанқоқ қондириши билан бирга, ўт ва сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Яллиғланиш билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олади. Шунинг учун юрак, буйрак, жигар касалликларида уни истеъмол қилиш тавсия этилади. Халқ табobatiда тарвуз юрак касаллиги билан оғриган беморларга ва безгак хуружида тавсия қилинади.

Тарвузнинг қуруқ пўчоқларидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг ўткир ва сурункали яллиғланишида ёрдам беради, паришонхотирликнинг давоси сифатида ҳам ишлатилади.

Илмий тиббиётда тарвуз шарбати подагра, артрит, қандли диабетни даволашда ишлатилади. Унинг сархил кўк пўчоқлари ҳамда қуритилган пўчоқларидан болалардаги қолит касаллигини даволашда фойдаланилади. Тарвузни склероз, камқонлик, ўт ва сийдик йўлларида тош бўлганида кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Ҳаким МУХИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сувои НАЖИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАХМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфило ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Ургандда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99